



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 20 июнь, № 125 (9020)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРИБ, ҲУДУДЛАР ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, ислоҳотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш мақсадида 19 июнь куни Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди.



Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотлар соҳа ва тармоқларда ўз натижаларини бермоқда. Бутун республикада технологик “сакраш” кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойида саноат 6,4 фоиз ўсган, бу соҳада экспорт 6 миллиард доллардан ошган.

Бунда Қашқадарё саноатининг ҳиссаси катта. Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” шундай экспортчи корхоналардан бири.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифининг дастлабки манзили “Alp techno servis” корхонаси бўлди.

Қиймати 10 миллион доллар бўлган мазкур лойиҳа электр техникаси йўналишида глобал етказиб бериш занжирини қўриб олишга қаратилган. Корхона ҳозирда “TCL”, “HOFMANN” брендлари учун буюртмалар тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, маҳаллий SMART бренди асос солинган. Шу номлар остида йилга 500 минг донагача телевизор ва электрон платалар ишлаб чиқаришмоқда.

Махсулотлар юқори технология, сифати ва дизайни бозор талабига мос. Шу боис 70 фоиз товарлар экспортга йўналтирилмоқда. Ўтган йили 2 миллион доллардан зиёд экспорт қилинган. Бу йилги режа 10 миллион доллар.

Давлатимиз раҳбари бу тармоқни янада ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

— Бу соҳада тажриба орттирдик, ташқи бозорга йўл топдик. Энди бу корхонани кенгайтириш керак. Одамзод бор экан, бундай махсулотларга талаб бўлади. Фақат сифат ва номенклатура бўйича ўсиш, рақобатбардosh бўлиш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Яна бир муҳим вазифа — маҳаллийлаштириш. Ҳозир корхонада бу кўрсаткич 50 фоиздан ошган. Келгусида 20 миллион долларлик яна 4 та лойиҳани амалга ошириб, чанглоттич, электр чойнак, ҳаво совиткич, вентилятор ишлаб чиқариш режалаштирилган. Буларнинг натижасида йилга 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилди.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Қарши давлат техника университети билан дуал таълим йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳри-

дан Шахрисабзга кетаётиб, поездда қашқадарёлик фаоллар билан самимий мулоқотда бўлди.

Сўхбатда шаҳару қишлоқлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти, бугунги тинчлик қаҳри ҳақида сўз борди.

“Инсон қаҳри учун, инсон бахти учун” деган эзгу гоя давлатимизнинг фаолият дастурига айланган. Шу асосида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш, даромади ва фаровонлигини ошириш, маҳаллаларни обод қилиш ижтимоий ҳаётимизда етакчи ўринга чиқмоқда.

Худудлар имкониятини тўлиқ ишга солиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган дастурлар натижасида юртимизнинг ўзида муносиб меҳнат шaroитлари яратилмоқда. Ёшлар ва хотин-қизлар даромадли касбларга ўқитилляпти.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар самарасида саноат жадал ривожланмоқда, илгор технологияли корхоналарда қўшилган қиймат яратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт, энергетика соҳаларида улкан лойиҳалар ишга туширилмоқда.

Президентиимиз иқтисодиёт ривожини, аҳоли кайфиятида йўлларнинг аҳамияти юқори эканини таъкидлаб, бу борада мутасаддиларга топшириқлар берди. Охириги 2 йилда юртимизда 40 минг километр йўл ва 540 та кўприк таъмирланган. Бу йил Қашқадарёда жами 100 километр магистраль йўллар таъмирланиши режалаштирилган. Бу лойиҳаларни тезлаштириш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Нуронийлар бу ўзгаришларни халқимиз ўз ҳаётида сезаётгани, ислохотларга юқори баҳо бераётганини айтишди. Хотин-қизлар вакили барча соҳаларда аёлларга кенг имкониятлар берилгани, натижада улар ўз oilаси ва меҳнат жамоаларида қадр топиб, ҳаётидан рози бўлиб яшаётганини сўзлаб берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Шахрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази фаолияти билан танишди.

Ижтимоий давлат саналмиш Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш энг долзарб йўналишлардан

бири. Шу мақсадда давлат шифохоналари ислоҳ қилиняпти, соҳага инвестициялар жалб этилиб, хусусий сектор ҳам ривожлантирилмоқда. Жумладан, бугунги кунда Қашқадарёда 700 дан зиёд хусусий клиникалар очилган, уларда 72 та хизмат тури йўлга қўйилган.

Россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган “Оқ сарой” клиникаси яқинда ишга тушди. Бу ерда 4 та жарроҳлик ва 6 та реанимация хонаси, 100 дан ортиқ шифо йўналишлари мавжуд. Бир вақтнинг ўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли кардиожарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконияти яратилган. Бунинг учун Россия, Туркия ва Қувайтдан малакали шифокорлар ишга жалб этилган. Стентлаш, аорта коронар шунтлаш, турма нуқсонларни бартараф этиш, эндопротезлаш каби даволар самараси юқори.

Марказ юқори аниқликда таъхис хизмати ҳам кўрсатади. Масалан, замонавий эхокардиография уқсунаси сунъий интеллект ёрдамида ишлайди. Бунақаси ҳозирча Ўзбекистонда ягона. Давлатимиз раҳбари бундай инновацион клиникалар тиббиётда сифат ва дунёқарашни ўзгартаришни, бошқаларни ҳам трансформацияга ундашини таъкидлади.

— Бу ердаги тизимни андоза қилиб олиб, 14 та худудимизда шундай клиникалар ташкил этиш зарур. Бунга қанча маблағ керак бўлса, топамиз. Фақат замирида халқимиз учун кафолатланган сифатли даво бўлиши лозим. Муқобилик, рақобат бўлмаса, сифатга интилиш бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу борада таклиф тайёрлаш, клиникаларни бирламчи бўлин ва тиббий суғурта тизими билан уйғунлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шифохонада 130 та иш ўрни яратилган. Малакали мутахассислар тайёрлаш учун шу ернинг ўзида клиник ординатура йўлга қўйилган.

Президентиимиз бунга алоҳида аҳамият қаратиб, талаба ва шифокорларнинг малакасини ошириш, хорижлик мутахассислар билан телемедицинани кенгайтириш муҳимлигини қайд этди.

Айтиш жоизки, нотўғри овқатланиш оқибатида қашқадарёликлар орасида юрак-қон томир хасталиклари кўп учрайди. Янги клиника ва унинг қошидаги марказ ушбу касалликларни эрта аниқлаб таъхис қўйиш ва даволашда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур марказ томонидан мобиль диагностика машиналари йўлга қўйилган бўлиб, чекка худудлардаги аҳолига УТТ, МСКТ, ЭКГ каби тиббий хизматларни кўрсатади.

Президент Шавкат Мирзиёев Яккабоғ туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивини бориб кўрди.

Аҳоли фаровонлиги ва турмуш маданиятини оширишга қаратилган мазкур массив илгор шаҳарсозлик ечимлари асосида қурилган. Кўп қаватли уй-жойлар кўркамлиги, тартиблилиги ва ободлиги билан туман қиёфасини ўзгартриб юборди. 18 гектар майдонни эгаллаган массивда 54 та беш қаватли уйлар қурилиб, 1 минг 400 та хонадон аҳолига тақдим этилади.

Иншоотлар нафақат замонавий архитектура, балки аҳоли учун яратилган инфратузилманинг қулайлиги билан ҳам ажралиб туради. Ҳар бир уй замонавий коммуникация тармоқлари, атрофи эса болалар майдончалари ва автотураргоҳлар билан таъминланган.

Шу билан бирга, худудда уч қаватли “Эко бозор” барпо этилган. У орқали маҳаллий деҳқонлар ўз махсулотларини тўғридан-тўғри истеъмолчиларга етказиш имконига эга. Бу эса ҳам сифат, ҳам нарх жиҳатидан одамларга маъқул бўлмоқда. Бозорда 640 та иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу экобозорда яратилган шароитларни кўздан кечириб, сотувчи ва харидорлар билан мулоқот қилди.

— Бозорлар тўқинлик, фаровонлик ва халқнинг маданиятини кўрсатади. Яккабоғда шундай обод маскан бунёд этилгани қувонарли. Халқимизнинг харид қилишга, бозор маданияти ояшпти. Шунга муносиб бундай қўлай савдо марказларини қўлайитириш керак, — деди Президент.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати, массивдаги инфратузилма иншоотларига қўйш панеллари ва геолоколлекторлар ўрнатилган. Бу эса энергия тежамкорлиги ва узулкисизлиги, экологик хавфсизлиқни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Аҳолининг дам олиши, болалар ва ёшларнинг фаол вақт ўтказиши учун ҳам қўлайликлар яратилган. Хусусан, сайлмоқлар, болалар боғчаси, спорт майдонлари, соғломлаштириш масканлари ҳамда сервис нуқталари ягона концепция асосида барпо қилинган.

Мутасаддиларга шу концепция асосида бошқа туман марказлари ва масивларни ҳам ривожлантириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари Шахрисабз тумани Ҳисор тоғи ёнбағридаги сайёҳлик салоҳияти билан танишди.

Туризм ҳам маблағ билан кўп иш ўрни яратадиган, аҳоли даромади ва худудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Қашқадарёда ҳам бу борада имкониятлар кўп.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 ноябрдаги қарори асосида Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион худудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Жумладан, хорижий давлатларнинг малакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоч ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қўлайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа

амалга оширилаёттир. Бунинг натижасида эса 1 минг 700 та доимий иш ўрни очилади.

Бугун Миракидаги ўзгаришлар мазкур қарор ва туризм бўйича ўтказилган йиғилишлар натижаси.

Илгари бу сўлим жойлардан ҳар ким ўз билганича фойдаланар эди. Сой бўйлари бетартиб, оромгоҳларда инфратузилма етишмасди. Бугун бу манзил яхлит туризм кластерига — “Мираки” халқаро туризм марказига айланди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги ободлик ва қўлайликларни кўздан кечириб, оқсув дарёсининг икки қирғоғи бўйлаб пиёда ва велосипедда юриш учун ўн километрлик “эко йўлак” ташкил этилган. Болалар майдончаси, кўнгилочар боғ, нуронийлар маскани, оилавий меҳмон уйлари ҳамда кўнча савдо шохобчалари маҳалла кўркини оширган.

“Miraki and spa resort” дам олиш худуди туризм марказининг замонавий қисми. Бу ерда иккита меҳмонхона, савдо ва кўнгилочар мажмуа барпо қилинган. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида 600 нафар сайёҳни қабул қилувчи меҳмонхоналар, 300 ўринли оилавий хостел очилган. Бу йилга 300 мингдан ортиқ меҳмонларга хизмат кўрсатилишини аниглади.

Давлатимиз раҳбари янги меҳмонхона ва савдо мажмуаси фаолияти билан танишди. Сайёҳлик бўйича истиқболдаги муҳим лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

— Шахрисабзнинг устун тарафи — йил давомида саёхатга келиш мумкин. Бунинг учун йўл, коммуникация, меҳмонхоналар қурапмиз. Энди хизмат турларини қўлайитиришни ўйлаш керак. Масалан, Миракига келган меҳмон вақтини қандай ўтказсади, нималар харид қилади? Шу талаблардан келиб чиқиб, хизматлар таклиф қилиш, бу ернинг табияти ва шароитини чет элларда кенг тарғиб этиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Янги сайёҳлик марказига инвесторларни жалб этиш учун муҳандислик коммуникация тармоқлари тортилган. Миракига элтувчи ва маҳалла ичидagi йўллар мукамал таъмирланган. Электр таъминоти яхшилланган. Сайёҳлар қизиктириш учун Ҳисорак сув омборига туташ худудда икки километрдан ортиқ дор йўли ва денгиз сатҳидан 2 минг 700 метр балангликда ресторан ҳам барпо этилган.

Бундай кенг қўлайликлар Қашқадарёга келувчи сайёҳлар сонини оширмоқда. Ўтган йили вилоятга икки ярим миллион нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган. Шундан беш юз минг нафарга яқини айнан Шахрисабз туманига келган. Худуддаги бу ўзгаришлардан кейин келтирилган рақам бир неча баробар ўсиши табиий.

Президент Шавкат Мирзиёев Шахрисабз туманидаги Ҳисорак сув омбори яқинида барпо этилган Ҳисорак кичик гидроэлектрстанциясини кўздан кечириб.

Ҳисорак сув омбори 1987 йилда қурилган бўлиб, 2004 йилда капитал реконструкция қилинган. Худудда 2011 йилда ишга туширилган қуввати 45 МВт бўлган асосий Ҳисорак ГЭС ҳам мавжуд бўлиб, йилга 80 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Бу эса ўртача ҳисобда 33 минг хонадоннинг йиллик электр энергияси эҳтиёжини қоплайди.

Мамлакатимизда экологик тоза, арзон ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўлайитириш ҳамда мавжуд қувватларни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти томонидан

кичик ва микро ГЭСлар барпо этилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Шахрисабз туманида энергетик қуввати 3,5 МВтга тенг, йилга ўртача 17,5 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи Ҳисорак кичик ГЭС шулар жумласидан. Унинг қурилиши тўлиқ маҳаллийлаштириш доирасида амалга оширилди. Лойиҳанинг қиймати 1,5 миллион долларни ташкил этади. ГЭС фаолияти натижасида йилга ўртача 5 миллион метр куб табиий газ тежалди. Бу ерда ишлаб чиқариладиган электр энергия 7 минг 300 та хонадонга етади.

Давлатимиз раҳбарига дарё сувида энергия олиш бўйича келгуси режалар ҳақида ахборот берилди.

Энг муҳим лойиҳалардан бири — келгуси икки йил ичида умумий қуввати 12 МВт бўлган 416 та кинетик турбинали микро ГЭС қуриш режасидир. Бу микро ГЭСлар ариқ ва каналлардаги сув оқимидан самарали энергия ишлаб чиқариш имконини беради.

Ҳозирда вилоятда умумий қуввати 49 МВт бўлган 3 та ГЭС фаолият юритмоқда. Истиқболдаги лойиҳалар туфайли бу кўрсаткич сезиларли даражада ошиши кутилмоқда. Гидроэнергетика орқали вилоятда аҳоли электр энергияси истеъмолининг 15 фоизини қоплаш мақсад қилинган.

Мамлакатимизда сўнгги саккиз йил ичида электр энергияси ишлаб чиқариш 38 фоизга ошиб, 81,5 миллиард кВт/соатга етди. Жорий йилда республика бўйлаб умумий қуввати 24,7 МВт бўлган 5 та янги кичик ГЭС фойдаланишга топширилиш режалаштирилган.

Италия, Франциянинг ландшафтли боғлари, қирдаги тоқорларни дунёга машҳур. Уларни бориб кўришга иштиёқмандлар кўп. Энди шундай кўркам маскан Шахрисабзга ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида ушбу агротуризм мажмуасини бориб кўрди.

Илгари бу жойлар кўрқ қир-адир бўлган. Томчиларди суғориш йўлга қўйилгани натижасида худуд яшилликка бурканди. Мажмуа 520 гектардан иборат бўлиб, адирлик қисмида “терраса” усулида узум, гилос ва олма экилган ҳамда ўрмон барпо этилган. Франциядан энг сара навлар олиб келинган.

— Чўл-адирларни ўзлаштиришимизга шубҳа қилганлар шу бонни келиб кўрсин, — деди Президент.

7,5 минг тонна махсулот етиштириш имкониятига эга мажмуанинг экспорт қуввати 5 миллион долларга тенг. 100 та доимий ва мингдан ортиқ мавсумий иш ўрни яратилган. Кўнчалар ривожини франциялик мутахассис кузатиб боради, ёшларга деҳқончилик сирлари ва бозор талабларини ўргатади.

Худудда, шунингдек, 120 ўринли ресторан ва 100 ўринли меҳмонхона қурилган. Агрологистика ва ўқув маркази, қайта ишлаш, сақлаш қувватлари қурилмоқда.

Мутасаддилар бундай боғларни кенгайтириш, бошқа тоғли туманларда ҳам ташкил этиш режалари ҳақида айтди. Давлатимиз раҳбари суғоришни ташкил этиб, боғларни аҳолига бўлиб бериш, одамларга даромад манбаи яратиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Абдулазиз БАСТАМОВ,
Ўлмас РАУТОВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Учрашув

ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Афғонистон, Марказий Осиё, Покистон ва Эрондаги минтақавий вакили Оливер Штолпе билан учрашди.

Унда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак баҳоланиб, мазкур жараёни БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси

тўлиқ қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистонда коррупция ҳамда одам савдосига қарши курашиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. БМТнинг мазкур тузилмаси бу йўна-

лишдаги сайъ-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, коррупция, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши курашиш борасидаги тажрибаси халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда миллий механизмлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилишига ишонч билдирилди.



Туризм имкониятлари ва сайъ-ҳаракатлар самараси

Кейинги йилларда юртимизнинг барча вилояти каби Қашқадарёда ҳам катта ўзгаришлар юз бераёттир. Илгари инфратузилмавий жиҳатдан етарлича ривожланмаган худудлар бугун тубдан

Юксалиш одимлари

Масалан, биргина Кўкдала туманида амалга оширилган ишлар воҳадаги саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан ўзгаришларнинг яққол намунаси дейиш мумкин. Авваллари янтқозор бўлган майдонда бугун замонавий шаҳарча — “Етти-

ўзғариб, замонавий шаҳарлар ва хизматлар марказига айланмоқда. Саноат, тадбиркорлик, туризм, тиббиёт, таълим соҳаларида амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталига сармоя йўналтиришда муҳим ўрин тутаёттир.

хизмат кўрсатиш марказлари, савдо дўконлари, маҳаллий цех ва устоналар ташкил этилиши орқали аҳолининг даромад манбаи ошмоқда. Бу эса камбағалликни қисқартиришга хизмат қилаёттир.



ОДАМ САВДОСИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ҚАРШИ КУРАШДАГИ ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФИ

Суҳбат чоғида коррупция ва одам савдосига қарши курашишда парламентнинг ролига эътибор қаратилиб, бу ўз ўрнида халқаро миқёсда тан олинган мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантиришга хизмат қилаётгани таъкидланди. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси халқаро даражада намуна бўлиши мумкинлиги эътироф этилди.

Ўзбекистонда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, унга оид жиноятларни аниқлаш ҳамда айбдорларни жавобгарликка тортиш ишлари сезиларли даражада яхшиланиши, меҳнат мигрант-

лари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида катта ютуқларга эришилганлиги эътироф этилди. Бу мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланишида ўз аксини топаётганлиги қайд этилди.

Учрашувда жиноятчиликнинг олдинчи олишда замонавий ахборот технологияларини қўллаш соҳасидаги ҳамкорлиқни фаоллаштиришга, шунингдек, глобал таҳдидлар — рақамлаштириш, меҳнат миграциясининг кенгайиши ва бошқа устувор йўналишларни ҳисобга олган ҳолда 2026 — 2030 йилларга мўлжалланган ҳамкорликнинг янги “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун Ўзбекистон фуқароларининг хорижда вақтинчалик иш фаолиятларини олиб бориши ва чет эл фуқароларининг мамлакатимизда меҳнат фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Охириги йилларда юртимизда маъмурий ислохотлар натижасида мазкур соҳани бошқариш тизимида қатор ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тугатилиб, унинг барча вазифалари ва ҳуқуқий мажбуриятлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган Миграция агентлигига ўтказилгани қонун нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Муҳокама давомида қонуннинг бир қанча моддаларидаги ваколат-

лар, мониторинг тизимлари, фуқароларни ватанга қайтариш механизми ва меҳнат фаолиятига рухсат бериш тартибидagi ҳуқуқий зиддиятлар ҳамда номувофиқлик ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Сенаторлар томонидан қонуннинг айрим нормалари бугунги кундаги ислохотлар натижасида ўз долзарблигини йўқотганлиги сабабли “Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонуннинг давлат органлари, шу жумладан, махсус ваколатли органга доир моддаларини қайта кўриб чиқиш ва маромига етказиш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Туризм имкониятлари ва саъй-ҳаракатлар самараси



Умуман, вилоятнинг қай бир туманига борманг, катта ўзгаришлар, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганига гувоҳ бўласиз. Дейлик, воҳада туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда.

Алоҳида эътибор туфайли вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бораётди. Хусусан, Шахрисабз туманидаги Мирки маҳалласининг туристик марказга айланиши ҳудуднинг айни соҳадаги стратегик ютуқлардан бири бўлди. Ушбу масканда яратилган шарт-шароитлар нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Туризм орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талаб осяпти.

Президентимизнинг ҳудудлар ривожини, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танилиши, халқ билан очик мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига бу галги ташрифи ҳам воҳа ахлининг қайфиятини кўтариб, уларни янги мар-

ралар сари руҳлантиргани рост. Бинобарин, ташриф давомида саноат, тиббиёт, туризм, энергетика каби кўплаб соҳалардаги корхоналар фаолияти билан танишилди, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди. Хусусан, Қарши шаҳридаги “Alp texno servis” экспортчи корхонаси, Шахрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази, Якабоғ туманидаги “Янги Ўзбекистон” массиви ва бу ерда барпо қилинган “Эко бозор” кўздан кечирилиб, аҳоли билан очик ва самимий мулоқотлар бўлиб ўтди.

Шу юрт фарзанди сифатида охириги йилларда энг чекка ҳудудларда ҳам амалга оширилаётган халқчил ислохотларга сайловчилар билан учрашувларимиз давомида бевосита гувоҳ бўлялмиз. Шу маънода, Қашқадарё вилоятидаги улкан ўзгаришлар юртимизда амалга оширилаётган “Инсон қадрини” тамойилининг амалдаги ёрқин намунасидир. Янтардордан шаҳарча, боғчасиз ҳудуддан таълим марказлари, узок тиббий хизмат

ўрнига маҳаллий замонавий шифохоналар — буларнинг барчаси одамларнинг ҳаётида туб ўзгаришлар яратиб, фаровонлик сари йўл очмоқда. Айни чоғда вилоят нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам юксалиб борапти. Бу эса ҳудуд ва мамлакатнинг умумий ривожини унун ҳам катта пойдевор яратади.

Қайд этиш жоизки, бугун мамлакатимизда технологик “сакраш” кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойида саноат 6,4 фоиз ўсган бўлса, бу соҳада экспорт 6 млрд. доллардан ошгани диққатга сазовор.

Албатта, бунда Қашқадарё саноатининг ҳиссаси катта эканлиги диққатга сазовор. Шундай экспортчи корхоналардан бири — Қарши шаҳридаги “Alp texno servis”дир. У хорижий “TCL”, “HOFFMANN” брендлари учун буюртмалар тайёрлаб берапти. Шунингдек, маҳаллий SMART брендида асос солинган. Шу ноллар остида йилга 500 минг донагача телевизор ва электрон платформалар ишлаб чиқарилаётир. Маҳсулотлар сифати ва дизайни бозор талабига мослигини



алоҳида таъкидлаш керак. Фикримизни 70 фоиз товарлар экспортга йўналтирилаётгани, биргина ўтган йили 2 млн. доллардан зиёф маҳсулот экспорт қилингани ҳам тасдиқлайди.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказганимизда бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Оддий мисол, яқингача ёшлар иш излаб хорижга кетаётган бўлса, бугун улар ўз маҳалласида меҳнат қиляпти, даромад толяпти.

Сирасини айтганда, бугун во-

ҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир. Шубҳасиз, давлат раҳбарининг бу галги ташрифидан сўнг юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилади, минглаб иш ўринлари яратилиб, халқимиз фаровонлиги янада юксалади. Белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда эса биз, депутатлар ҳам камарбаста бўламиз.

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Муносабат

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК

халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилади

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга қилган ҳар бир ташрифи янги лойиҳалар, ташаббуслар эшигини очади, янги “ўсиш нуқтаси”ни аниқлаш имконини беради, десак, айни ҳақиқат. Бу эса аҳолининг ҳаёт даражасини янада ошириш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, айниқса, иқтисодиётнинг ривожланишига замин бўлади.

Халқимиз ҳаёти фаровонлашиб, одамлар даромади ўсади. 18 июнь куни давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда амалга оширилган ижобий ишларга алоҳида тўхталиб, галдаги вазифаларга эътибор қаратади.

Маълумки, Паркент ўзининг гўзал табияти, сўлим боғлари, қорли тоғлари билан танилган. Жумладан, тумандаги “Meridien Tempo” корхонасига қарашли интенсив 54 гектар богда гилос, олма, нок ва малинининг экспортбоп навлари экилган бўлиб, кўчатлар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахтлар ўзини ўзи чанглатиш хусусиятига эга. Бу ҳосилдорлик юқори бўлишида муҳим ўрин тутаети.

Замонавий агротехнологик тизимлар орқали богда тўлиқ томчилятиб сугориш жорий этилган. Яъни сув махсус ҳавзада тўлланади ва табиий нишаблик орқали сугорилади. Бунга энергия сарфланмайди, натижада харажат ва маҳсулот таннархи камаяди. Янада эътиборлиси, богда қуёш панеллари ўрнатилган.

Президентимиз мутасаддиларга бу усулни оммалаштириш, меваларни парваршилаш ва қадқоқлаш бўйича чет эл тажрибасини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Айтиш жоизки, туризм — нафақат иқтисодий ривожланиш омили, балки инфратузилмани такомиллаштирувчи муҳим соҳа саналади. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли учун янги имкониятлар ва иш ўринлари яратиш демакдир. Зеро, туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш орқали мамлакат инфратузилмаси ҳам юксак даражада ривожланади.

Паркент туманининг “Олтин бел” чўққисидаги уч гектар жойда жами 188 ўринли 2 та меҳмонхона, капсула шаҳидаги уйлар, ресторан ва ҳўжалик бинолари барпо этилган. Умуман, ҳудудда туризмни ривожлантириш мақсадида қиймати 1 млрд. 800 млн. доллар бўлган 52 та лойиҳа амалга оширилади. Натижада 3 300 та иш ўрни яратилди ва 1 млн. нафар сайёҳга хизмат кўрсатилади.

Шу ўринда яна бир муҳим “ўсиш нуқтаси”га тўхталадиган бўлсак, туман марказидан оқиб ўтувчи Паркентский қирғоғида қурилаётган “Паркентский” турар-жой массивини экшоҳар дейиш мумкин. Унинг умумий майдони 6 гектар бўлиб, жами 5 200 нафадонли 125 та қўп қаватли уй қурилади. Улар барча замонавий коммунал тармоқлар, энергия тежамкор технологиялар билан таъминланади. Жумладан, уйлар

тепасига геолокаторлар ўрнатилятиб, сув иситишда фойдаланилади. Бу ерда, шунингдек, янги ижтимоий объектлар, дам олиш масканлари барпо этилади, йўллар таъмирланади, шунингдек, 58 та нотурар бино қад ростляпти. Уларда савдо ва хизмат корхоналари жойлашади, 700 дан ортиқ иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Паркентсийни тартибга келтириш, қирғоқларини мустаҳкамлаш мақсадида сойнинг 4 километрик қисми тўлиқ бетонлаштирилди. Бу эса янги бунёдкорликларга йўл очди. Хусусан, сой бўйлаб қарийб 5 километр янги йўл қурилиши эса марказда тирбандлигини камайтиради. Соининг Қумушқонгача бўлган ўзланларини тартибга келтириш, очиладиган 100 гектар ерда туризм объектлари ташкил этиш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва унинг халқаро жозибадорлиги ошиши — ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштиради, инвестициялар оқимини кўпайтиради.

Шу нуқтан назардан, мамлакатимизда транспорт инфратузилмаси йўналишларини модернизация қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ана шундай стратегик лойиҳалардан бири — “Тошкент-Шарқий” аэропортини реконструкция қилиш. Аэропорт юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тез, хавфсиз ва қулай қатновларни таъминлаш, айни чоғда пойтахтнинг асосий халқаро аэропортига юкломани енгиллаштиришга мўлжалланган. Аввало 4 километрик узунликдаги учини-қўнни йўлга янгиланиб, оғир самолётларни ҳам қабул қилиш қуввати-га эга бўлди.

Янги аэропорт қулай жойлашуви туфайли пойтахт ва Янги Тошкент шаҳри учун муҳим транспорт хабига айланади, шунингдек, Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш учун қўшимча рағбат бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, халқаро ташрифлар ва ишбилармонлик сафарларини амалга ошириш имкониятлари кенгайди, хорижий инвесторларни қабул қилиш учун шароитлар яхшиланади. Натижада мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги сезиларли даражада ошади.

Темир йўл қурилишида ҳам муҳим янгилик. Байтқўрғон — Паркент электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши эса туман туризм салоҳияти юксалишига, иқтисодиётининг суръати жадал ўсишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг Тошкент вилоятига ташрифи минтақани барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва бандлик учун, шубҳасиз, янги имкониятлар яратади.

Моҳира ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

ДЎСТОНА ИШОНЧ НАМУНАСИ

Дунёдаги геосийёсий вазият кескинлашиб, тинчлик ва барқарорликка таҳдид борган сари кучаяётган бир даврда “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитининг ўтказилгани ва унда қўшни давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий ишончнинг янада мустаҳкамланганини, шубҳасиз, халқаро сиёсат сахнасидаги энг муҳим воқеалик сифатида баҳоласак, тўғри бўлади.

Фикр

Зеро, бугун дунёда янгидан-янги пайдо бўлаётган зиддият ўқоқларини кузатсангиз, улар асосан қўшни ёки бир минтақа давлатлари ўртасида кечаётганнинг гувоҳига айланасиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам саммитдаги нутқида бу ҳақда гапириб, барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва БМТ низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокаралар столида ҳал этилиши шартлигини таъкидлади. Марказий Осиё ва Хитой ўртасида Абдий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилинишини тарихий воқеа сифатида баҳолади.

Сиань шаҳрида бўлиб ўтган илк саммитдан сўнг, ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишда янги босқичга кўтарилди. Умумий савдо айланимаси ўсиб, жорий йилда бу кўрсаткич даярли 100 млрд. долларга етиши кутиляпти. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 10 мингдан ошади. Бу минтақада ўзаро ишончга асосланган яхши қўшничилик, шериклик муносабатларининг қарор тоғани ва Хитой раҳбариятининг Марказий Осиё давлатларига бўлган дўстона ишончи намунасидир.

Саммитда давлатимиз раҳбари томонидан Марказий Осиё ва Хитой ўртасида барча йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилдики, бу тадбир қатнашчилари томонидан мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

Ана шундай муҳим тақлифлардан бири — “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли порталини яратиш тақлифи бўлди.

Маълумки, Буюк Ипак йўлида жойлашган минтақа давлатлари ҳамкорлиги тарихийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бугун ҳам халқларимиз бир-бирининг маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашишга бўлган умумий интилишга эга ва бу маданиятлар рангбаранглигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Шу жиҳатдан, “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли портали Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг тарихий-маданий ресурсларини, улардан тадиқотчилар, талабалар, сайёҳлар ва креатив саноат вакилларининг фойдаланишига имкон берган ҳолда бйлаштирилади. Чунки бугун давлатларимиз ўртасида профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, университетлар ректорлари форумларини ўтказиш, илмий академиялар ва илмий-тадиқот марказлари раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш орқали умумий илмий-таълим платформаларини шакллантиришга катта эҳтиёж бор.

Навбатдаги “Марказий Осиё — Хитой” саммити очик, прагматик ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга содиқлик руҳида ўтди ва бу шубҳасиз, барча йўналишдаги алоқаларни янги босқичга кўтариб, мамлакатлар ва халқларимиз фаровонлиги ҳамда равнақни таъминлашга хизмат қилади.

Абдулҳаким ЭШБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД – ЁРҚИН КЕЛАЖАК

Соғлом танда — соғлом ақл дейишади. Чунки жисмонан бақувват, руҳан етук фарзандларгина эртанинг юқини елкасига олади. Ана шу мақсадда сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янги босқичга олиб чиқиш, уларга илгор хорижий тажриба асосида ҳамда замонавий диагностика ва даволаш технологиялари ёрдамида тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, ҳудудий тиббиёт муассасалари имкониятларини янада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга ошириляпти. Мазкур жараёнларнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, йилдан-йилга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Мулоҳаза

Статистик рақамларга кўра 2024 йилда ушбу соҳага 388,4 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. Бугунги кунда мамлакатимиздаги 12,9 млн. нафардан ортиқ 18 ёшгача бўлган болаларга 824 та оилавий шифокорлик пункти, 984 та оилавий поликлиника, 207 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва 233 та болалар даволаш-профилактика муассасаси томонидан тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Республика бўйича 4 247 ўриндан иборат 13 та ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ташкил этилган.

Сўнгги беш йилда бир қатор педиатрия хизмати муассасалари модернизация қилиниб, замонавий юқори технологик операцияларни ўтказишга мўлжалланган техникалар билан жиҳозланди. Ушбу хайрли ишлар натижаси ўлароқ 2020 йилда ташкил этилган Болалар миллий тиббиёт марказида мингдан ортиқ очик юрак операциялари, жумладан, 60 нафар янги туғилган болада ушбу ноёб жарроҳлик амалиётлари ўтказилган.

Амалга оширилаётган ишлар

билан биргаликда соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Хусусан, Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари тиббиёт ходимлари билан тўлиқ таъминланмаган. Болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларида педиатр, неонатолог, физиопедиатр, иммунолог, болалар жарроҳи, ўсимирлар педиатри мутахассислари етишмайди.

Тиббиёт муассасаларини болалар ўртасида сил касаллигини даволовчи физиопедиатр мутахассислари билан таъминлаш кўрсаткичи ҳам қониқарсиз ҳолатда. Республика бўйича мазкур кўрсаткич 89 фоизни ташкил қилса, 7 та ҳудудда бу 80 фоиздан ҳам паст, Тошкент вилоятида эса 70 фоизга ҳам етмайди.

Фаолият кўрсатаётган физиопедиатрларнинг 86,8 фоизни пенсия ёшидаги мутахассислар бўлганлиги боис ҳудудлар учун ёш физиопедиатр мутахассислари тайёрлаш зарурати юзага келмоқда ва бу кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш туфайли соҳада хусусий тиббиёт жадал ривожланмоқда. Хусусан, Тошкент

шаҳри ва вилоятлар марказларида хусусий клиникалар сони ортиб бораётир. Биргина пойтахтимизнинг ўзида 40 га яқин давлат шифохонаси ва 127 поликлиника, жами 167 та давлат тиббиёт муассасаси болаларга тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Хусусий клиникалар сони эса 1700 дан ортиқни ташкил этади. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаларининг бор-йўғи 9 фоизга яқини давлат муассасаси, 91 фоизи хусусий клиникаларни ташкил этмоқда.

Хусусий клиникалардаги тиббий хизмат сифати, улардаги мутахассислар малакаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мониторинг қилинмаяпти, ушбу йўналишда таҳлиллар ва статистик маълумотлар етарли эмас. Болаларга кўрсатиладиган бепул тиббий хизмат турлари, қандай дори-дармонлар билан таъминланиши ҳақида аҳоли етарлича хабардор эмас.

Гарчи дунё миқёсида рақамлаштириш жараёнлари кетаётган, Ўзбекистонда ҳам бунга катта эътибор қаратилаётган бўлсада, болаларга хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаларида электрон хизмат кўрсатиш, хусусан, “электрон навбат”, “электрон карта” ҳамда “DIME” электрон тизими орқали йўлланмалар бериш тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Болаларга хизмат кўрсатувчи даволаш профилактика муассасаларидан айримларининг моддий-техник ҳолати талабга жавоб бермайди ҳамда замонавий юқори технологик ускуна ва тиб-

бий жиҳозларга эҳтиёж мавжуд. Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида МРТ текширувлари йўлга қўйилмаган.

Соҳада бундай муаммо ва камчиликлар талайгина. Мақсад — уларни санаб ўтиш эмас, балки ана шу муаммоларга биргаликда ечим топиш.

Шу маънода, Олий Мажлис Сенати ҳам мазкур йўналишда қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Сенат кўмиталари ишчи гуруҳи маҳаллий Кенгашлар вакиллари билан биргаликда турли ҳудудларда ўрганиш ишларини олиб борди. Ана шундай тадбирларда аҳоли саломатлиги, хусусан, болаларга яратилаётган тиббий йўналишдаги имкониятлар ва мавжуд муаммолар ўрганилди, таҳлил қилинди. Аниқланган камчиликлар юзасидан мутасаддиларга аниқ тавсия ва тақлифлар берилди. Масаланинг жидайдиллигидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида бу юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига парламент сўрови юборишга қарор қилинди.

Ушбу парламент сўровининг асосий йўналишлари сифатида болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари учун педиатр, неонатолог, физиопедиатр, иммунолог, болалар жарроҳи, ўсимирлар педиатри мутахассисликлари бўйича магистратура ва клиник ординатурада (резидентура) давлат грантлари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари юкламасини камайитириш, улардаги ўрин жойларини

белгиланган меъёрларга мослигини таъминлаш ва ривожланишнинг туғма нуқсонлари билан туғилишнинг олдини олиш бўйича қонунчиликка тақлифлар киришти, барча болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари тузилмасини ва тиббий хизмат кўрсатиш йўналишларини ҳудудлардаги касалликлар кўрсаткичларидан ҳамда хусусий клиникалар, тиббиёт олийгоҳлари клиникаларини тиббий хизмат йўналишларини эътиборга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш каби масалалар белгиланди.

Шунингдек, сил касаллиги бўйича болалар ўртасида хавф гуруҳларини тўғри шакллантириш ва назоратни кучайтириш мақсадида силга қарши скрининг текширувларини жорий қилиш ва иммунодиагностика усуллари ёрдамида сил касаллигини эрта аниқлаш ҳамда қизамиқ ва бошқа инфекцияларга қарши эмлаш бўйича хавфсиз, қафолатланган ҳамда бепул хизматларни йўлга қўйиш, бу ҳақда аҳолини интернет орқали очик маълумотлар билан таъминлаш ва бошқа масалалар тўғрисида асосланган турмушунтириш бериш талаби қўйилди.

Парламент томонидан қўйилган ушбу талабларнинг ўз ўрнида бажарилиши фарзандларимизнинг соғлом вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Орал АТАНИЗОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ:

АБАДИЙ ЯХШИ ҚЎШНИ ВА СТРАТЕГИК ШЕРИК

Хитойнинг қадимий пойтахти — Сиань шахрининг 2023 йил “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммити бўлиб ўтган ҳудуди яқинида олти та анор дарахти ёз кўёсининг заррин нурларида салобат тўкиб турибди. Уларнинг шоҳлари мевага тўлиб, пастга эгилган. ХХР Раиси Си Цзиньпин ва Марказий Осиёнинг бешта давлати раҳбарлари томонидан экилган ушбу тириклик рамзи Хитой ва Марказий Осиё ўртасидаги тобора мустақамланиб бораётган алоқаларнинг ёрқин далилидир.

Таҳлил

Сиань саммитида иштирокчилар ҳар икки йилда бир марта Хитой ва Марказий Осиёда навбат билан олий даражадаги учрашув ўтказишга келишиб олган эди. Мана шу сафар Марказий Осиё ва Хитой етакчилари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида иккинчи саммитда учрашди.

Хитойнинг минтақамиз давлатлари билан алоқаларидаги янги давр анча олдин бошланган эди. “Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстона ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш Хитой ташқи сиёсатининг устувор йўналишидир”, деган эди Си Цзиньпин 2013 йилда ХХР Раиси этиб сайлангангандан кейин Марказий Осиёга амалга оширган илк ташрифи чоғида. Шундан бери Хитой раҳбари минтақага саккиз марта ташриф буюриб, икки томонлама асосда, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Осиёда ўзаро ҳамкорлик ҳамда ишонч чоралари бўйича кенгаш каби платформалар доирасида ўзаро алоқаларни чуқурлаштириб. Бугунги кунда дунёда Марказий Осиё ҳар бир мамлакатаи Хитойнинг стратегик шериги бўлган ягона минтақадир. Бу шериклик муносабатлари яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни навбатдаги босқичга кўтариб, халқаро муносабатларнинг янги парадигмасини яратди.

Сиань саммитининг асосий воқеаси Сиань декларациясининг имзоланиши бўлди. Унда ХХР Раиси ва Марказий Осиёнинг бешта давлати раҳбарлари биргаликда ягона тақдирга эга бўлган Хитой — Марказий Осиё жамиятини яратиш йўлида ишлашга аҳд қилишди. Эътиборлиси, бу ғоя Марказий Осиёда икки томонлама даражада алақачон тўлиқ амалга оширилган. Си Цзиньпин ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг умумий сиёсий иродами Хитой — Марказий Осиё ҳамкорлигининг барқарор ривожланиши калити эканлигини исботлайди. Бу ҳамкорлик нафақат икки томонлама алоқаларни мустақамлайти, балки Евроосиё минтақасида кўп томонлама ҳамкорлигининг янги моделига асос солади.

Остонадаги иккинчи “Марказий Осиё — Хитой” саммити давомида эса ўзаро ишонч ва сямимийлик муҳим битим билан тўлдирилди. Томонлар минтақавий барқарорлиқни таъминлашга умумий ҳисса қўшадиган Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғриси-



даги тарихий аҳамиятга молик шартномани имзолади. Ушбу шартномани ривожлантириш мақсадида Президентимиз аниқ механизм ва лойиҳаларни киритган ҳолда Ўзоқ муддатли шериклик концепциясини ишлаб чиқишни тақдиф этди. Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, Хитой билан савдо, инвестициявий ва технология ҳамкорлик Марказий Осиё мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини амалга оширишда кучли локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари анжуман давомида бир қатор тақдиф ва ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, минтақа мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш, билимлар алмашиш ва технологиялар трансферининг самарали механизмларига эга бўлган умумий кенг имкониятларни яратиш мақсадида янги иқтисодий шериклик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда Бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳудудлараро кенгашни таъсис этишни, кенгашнинг биринчи йиғилишини жорий йил октябрда Ўзбекистонда ўтказишни тақдиф қилди. Савдо алоқаларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти “Рақамли макон ва йўл” доирасида “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, регламент ва стандартларни яқинлаштириш, экспорт маҳсулотларини Хитой талаблари асосида сертифициклаш учун Тошкент шаҳрида Саноатда стандартлаштириш ва сертифициклаштириш минтақавий марказини ташкил этишга қақирди.

Иқтисодий салоҳиятнинг самарали рўёбга чиқариш учун саноат ва инфратузилмавий ўзаро боғлиқлиқни қучайтириш зарур. Шу мақсадда “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилмавий маконининг узоқ муддат-

ли стратегиясини ишлаб чиқиш тақдиф этилди. Хитой инвестициялари, технология ва илмий ечимларини жалб қилган ҳолда ўзаро боғланган саноат кластерлари, технопарклар ва логистика хаблари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой энергетика тизимларини ўзаро боғлаш, жумладан, юқори кучли ишчи электр узатиш линиясини барпо этиш меғалоийҳасини амалга ошириш масалалари ҳам диққат билан ўрганилиши — бугунги кун талаби. Минтақавий аҳамиятга молик йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган самарали молиявий воситаларни жорий қилиш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда. Айни пайтда амалда бўлган халқаро механизмлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим роль ўйнамоқда, аммо минтақанинг инвестицияга бўлган талабини тўлиқ қоплай олмапти. Экспертларнинг ҳулосасига кўра, Марказий Осиёни инфратузилмавий ривожлантиришда капитал қўйилмалар тақчиллиги бир неча юз миллиард дол-

корликни янада мустақамлаш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг тарихий-маданий ресурсларини ўзида мужассам этган, тадқиқотчилар, талабалар, сайёҳлар ва креатив индустрия вакилларини қамраб олган “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли портални яратиш тақдифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш, университет ректорлари форумлари, фанлар академиялари ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарларининг учрашувларини ўтказиш орқали умумий илмий-таълим платформасини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик ҳам асосий устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз терроризм, экстремизм, радикализм, наркотрафик, ноқонуний миграция ва киберхавфсизликка қарши курашишда махсус хизматлар ва хавфсизлик кенгашлари орқали кўп томонлама ахборот алмашиш механизмларини йўлга

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасидаги ҳамкорлик минтақада савдо, саёҳат ва алмашинувларни самарали рағбатлантиради. Бунинг исботи ўлароқ 2024 йилда Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми рекорд даражадаги 94,8 млрд. АҚШ долларига етди, бунга қисман трансчегаравий электрон тижоратнинг жадал ўсиши сабаб бўлди.

лар деб баҳоланмоқда. Шу муносабат билан Президентимиз томонидан инфратузилмавий ташаббусларни илгари суриш учун самарали платформа бўла оладиган “Марказий Осиё — Хитой” тараққиёт жамғармасини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқиш тақдифи илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари иқлим ўзгаришининг барқарор ривожланиш учун жиддий таҳдидларига эътибор қаратиб, 2030 йилгача мўлжалланган “яшил” ривожланиш дастурини қабул қилишни жадаллаштириш, шунингдек, чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш, қуроқчил ва чўл ҳудудларида биозкологик барқарорлиқни ошириш бўйича мулоқот ва шериклик учун экологик альянсини тузишга қақирди.

Иқтисодий ҳамкорлиқнинг барқарор рақамли инфратузилмасини шакллантириш мақсадида катта маълумотлар базалари ва процессинг марказларининг ўзаро интеграциялашган банклар тармоғини яратиш, шунингдек, асосий энергетика ва транспорт йўналишлари бўйлаб “Марказий Осиё — Хитой” оптик толали алоқа линиясининг рақамли трассасини барпо этиш тақдиф қилинди.

Маданий ва гуманитар соҳадаги ҳам-

қўйиш муҳимлигини таъкидлади.

Рақобат қучайиб бораётган ва жаҳоннинг турли нуқталарида моҳаролар давом этаётган шароитда минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш борасида янада яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Афғонистондаги вазиятнинг рақобатлашуви ва ушбу мамлакатда гуманитар инқироз қучайишининг олдини олиш устувор масалалар қаторига қиради. “Хавфсиз Ипак йўли” концепциясини амалга ошириш йўлида Афғонистон йўналишидаги савб-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг давом эттириш муҳимдир. Ўзбекистон хитойлик ҳамкорлар билан Афғонистонда инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишдан ҳам манфаатдор.

Ҳамкорлик йўлидаги яна бир муҳим жиҳат шундаки, иккала томон транспорт-логистика тизимларини яқинлаштириш орқали алоқалардаги масофаларни ҳам қисқартиришга киришган. Айниқса, “Ўрта йўлак” деб юритилувчи “Хитой — Европа” Транскаспий халқаро транспорт йўналишининг очилиши муҳим қадам бўлди. Бу воқеа Осиёнинг Каспий денгизи орқали Европа билан яқинроқ боғлаш учун автомобиль ва темир йўллар, авиалиниялар ва қувурларни бирлаштирган кўп ўлчовли ўзаро боғ-

лиқлик тармоғининг расмий яратилишини аналтиб, ушбу тармоқ “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида жонли артерияга айланиши кутилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб эса Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой раҳбарларининг янги транспорт артериясини яратиш борасидаги қарашлари изчил равишда амалга оширила бошланди. Хусусан, ўтган йилнинг охирида Қирғизистоннинг чегарадош Жалолобод шаҳрида Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишининг бошланиш маросими бўлиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан бўлиб ўтган маросим иштирокчиларига муҳаббатда таъкидлаганидек, ушбу магистраль йўлнинг ишга туширилиши минтақавий савдо ва инвестициялар ҳажмининг бир неча баробар қўпайтириш, транспорт харажатларини сезиларли даражада қисқартириш, Марказий Осиёнинг улкан транзит салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилади. Ушбу йўл орқали йилига 15 млн. тонна юк ташилади. Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси ҳамда муддати бир неча минг километр ва деярли бир ҳафтага қисқаради. Йўловчиларни мунтазам ташишни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади. Келгусида ушбу темир йўл линияси Транскаспий йўлига билан тутшиб Хитой, Марказий Осиё ва Жанубий Осиё ўртасидаги транспорт-коммуникация тармоқларини самарали бирлаштириш ва қучайтиришга имкон яратади.

Бундан, ҳеч шубҳасиз, барча мамлакат иқтисодий фойда кўради. Юзлаб янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади. Албатта, мазкур лойиҳа Буюк Ипак йўлининг қайта тикланишига, маданий-гуманитар алмашинувлар ривожига, халқларимизнинг янада яқинлашувига хизмат қилади. Темир йўл магистрали қадимги Ипак йўлининг тугуни — Қашкар (Шинжон Уйғур автоном райони, Шимолий-Ғарбий Хитой)дан бошланиб, Тўруғарт домини орқали Қирғизистонга ўтиб, Жалолободга етиб боради ва Ўзбекистон Шарқидagi Андижонда тугайди. Қисқаси, мазкур темир йўл нафақат транспорт йўлига, балки Шарқ ва Ғарб мамлакатларини боғловчи муҳим стратегик кўприк бўлиб хизмат қилади.

Бугун Хитой нафақат “глобал фабрика”, балки глобал бозор ҳамдир. Шу нуктаи назардан, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой иқтисодиётларининг бир-бирини тўлдириб турувчи устуңликларини ҳисобга олган ҳолда ушбу имкониятлардан максимал даражада фойдаланишдан манфаатдор. Демак, Остонада ўтказилган “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити тўсиқларсиз савдонинг таъминлаш, Хитойнинг юксак технологияларини жалб қилиш, умумий саноат кооперацияси ва маҳаллийлаштириш маконини шакллантириш, рақамли иқтисодиёт ва савдонинг ривожлантириш, электрон ҳукумат, блокчейн ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш соҳасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш имкони бўлиб хизмат қилади.

Сардор ХЎЖАНИЗОВ, Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ректори в.а.б., педагогика фанлари доктори, профессор.

Брифинг

Маҳаллаларда сайловлар якунланди

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида мамлакатимиз маҳаллаларида 2025 йил май-июнь ойларида ўтказилган фуқаролар йиғини раиси сайловлари бўйича брифинг ўтказилди.

Унда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жобир Асқаров ушбу сиёсий жараён бўйича батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 май санасидан мамлакатимизда маҳалла раислари сайлови бошланган эди. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, май-июнь ойларида юртимиз бўйлаб барча маҳаллада сайловлар якунланди.

Сайлов кампанияси даврида 14 та ҳудудий, 208 та туман (шаҳар) кўмаклашувчи комиссиялари ҳамда 8 852 та ишчи гуруҳлари тузилиб, уларнинг таркибига 89 минг 578 нафар идора ва ташкилотлар раҳбарлари, депутатлар ва маҳалла фаоллари жалб қилинди. Сайловни ўтказиш тартиби бўйича “Қонун ҳужжатлари тўплами”, “Услубий тавсиялар”, “100 саволга 100 жавоб” ва инфографикалар, йўриқномалар ишлаб чиқилиб, комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг 89 мингдан зиёд аъзоларига етказилди.

Кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳи аъзоларининг билим-малакаларини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказилди. Сайлов ёшига тўлган 21,5 млн.га яқин фуқаролар орасидан сайловда иштирок этадиган ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага эга ва маҳалла ҳаётига бефарқ бўлмаган 2,6 млн. нафардан зиёд вакиллар сайланди.

Аҳолининг сайлов жараёнлари бўйича фаоллигини оширишга доир 133 мингтадан кўп плакатлар ҳамда баннерлар чоп этилиб, ҳар бир маҳалла бйноси, кўчалар, савдо шохобчалари, гузарлар, бекатлар ҳамда кўп қаватли уйларнинг кириш йўлакларига осиб қўйилди.

Брифингда амалга оширилган ишлар натижасида кўмаклашувчи комиссиялар томонидан тасдиқланган жадалга асосан, жо-



рий йил 1 майдан 17 июнга қадар сайлов жараёнлари республиканинг 208 та туман ва шаҳридаги 8 852 та маҳаллада ўтказилгани қайд этилди. Сайловларда 2 млн. 173 минг 634 нафар фуқаролар вакиллари иштирок этди.

Сайловларда қатнашган 26 минг 334 нафар номзод давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, келгуси 5 йил давомида маҳаллани ривожлантириш бўйича устувор дастурларини аҳолига тақдирот қилди. Мазкур сайловларда уларнинг 8 852 нафари маҳалла раиси этиб сайланди.

Жумладан, 3 962 та маҳаллага янги раислар сайланди, сайланган раисларнинг 1 196 нафари аёллар, 306 нафари туман (шаҳар) Кенгашлари депутатларидан иборат. Шунингдек, сайланган раисларнинг ўртача ёши 51 ёшни ташкил этиб, уларнинг мутахассислиги турлича. Таҳлилларга кўра, сайланган раисларнинг 2 419 нафари (27,3 фоизи) ўқитувчи, 1 705 нафари (19,3 фоизи) иқтисодчи, 1 212 нафари (13,7 фоизи) муҳандис, 57 нафари (1 фоизи) шифокор, 354 нафари (4 фоизи) ҳуқуқшунос, 420 нафари (5 фоизи) агроном, 2 685 нафари (30,3 фоизи) бошқа касб эгаларини ташкил этади.

Умуман, жорий йилги сайловлар янгича тартиблар, демократик тамойиллар, шаффофлик ва очиклик руҳида, кўтаринки кайфиятда уюштирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).



Кўргазма



«Яшил» трансформация, илғор технология ва инновацион лойиҳалар намоиши

Айни кунларда пойтахтимиздаги “Central Asian Expo” (CAEx) кўргазма мажмуасида илк маротаба экологик технологиялар бўйича “Eco Expo Central Asia 2025” халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.



Ақмам МУХАММАДОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ўтказилаётган мазкур йирик тадбир маҳаллий компаниялардан ташқари Германия, Франция, Жанубий Корея, Россия, Италия, Сингапур, Венгрия, Саудия Арабистони, Қозоғистон каби ўттиздан ортиқ давлатлардан келган мутахассисларни бирлаштириш баробарида, экологик муаммоларга ечим топиш, илғор амалиётлар билан ўртоқлашиш, конструктив мулоқот олиб бориш ва “яшил” трансформацияни илгари суриш бўйича етакчи платформага айланди.

Уч кун давом этадиган ушбу кўргазма иқлим барқарорлиги, ресурсларни теҳаш, тоза технологияларни жорий этиш, сунъий интеллект ва яшил энергетика соҳасидаги инновациялардан тортиб, экологик таълим бўйича илғор ечимларгача бўлган муҳим масалаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, халқаро экспертлар иштирокидаги ялли ва панель муҳокамалар, инновацион лойиҳалар тақдиротлари, “яшил” энергетика, экотуризм, барқарор шаҳарлар, рақамли технологиялар ва иқлим молияси бўйича тематик сессиялар, маҳорат дарслари, фотокўргазмалар, маданий тадбирлар ва стартаплар, танловлар ҳам ўтказилади. Яқунда экологик дастурлар бўйича келишувлар имзоланиши режалаштирилган.

Оролбўйи минтақасининг барқарор ривожланиши, “яшил” қурилиш ва ёшларни экологик кун тартибига жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Умуман, кўргазма — “яшил” технологияларни намоиши этиш, янги бозорлар сари йўл очиш, стратегик ҳамкорликлар ўрнатиш ва барқарор тараққиёт йўлида глобал ҳаракатнинг ажралмас қисмига айланиш имконидир.

«Халқ сўзи».

Паркентнинг қорли тоғларида Австрия компанияси томонидан 1 200 гектарда тоғ-чанғи курорти қуриш режалаштирилган.



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ОЛИЙ МЕЗОН

— Икром Тўхтамуродович, Ўзбекистон Олий суди яқин ўтмишда қатағонга учраган, миллат равақи учун хизмат қилган юзлаб аждодларимизни оқлади. Улар орасида таниқли адиб Абдулла Қодирийнинг ҳам оқлангани таҳсинга сазовор. Биз судлов тизимининг бундай зафарли ва одил қарорини олқишлаймиз, албатта. Шу ҳукмни ўқийётганингизда қалбингиздан нималар кечди?

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 8 октябрида “Қағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишидан кейин Олий суд томонидан қўзғолончилик ва аксилқиллобий босмачилик қилишда айбланиб, сургун этилган, отилган ва мол-мулки мусодара қилинган 1236 нафар қағон қурбонларининг номи оқланди. Уларнинг аксарияти Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятларида, шунингдек, Қорақолғистонда яшаб фаолият юрттаган. Оқланганлар орасида Абдулла Қодирий билан бирга 1925 — 1929 йилларда Олий суд раиси лавозимда ишлаган Сағдулла Қосимов, “Осиё Бонапарти” деган ном билан машҳур бўлган Иброҳимбек Лақай каби миллатимиз оидинлари ҳам бор. Мазкур суд мажлисида Абдулла Қодирийнинг набираси Хондамир Қодирий томонидан бобосининг ҳукми устидан берилган апелляция шикоятни қўриб чиқилди. Адиб 1926 йилда ҳукумат раҳбарларини обрўсизлантиришда айбланган ва тергов жараёналари ўтказилган. Бунга “Муштум” журналади чоп этилган “Йилгини гаплар” мақоласи сабаб бўлган. Суд жараёнида Абдулла Қодирий ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилгани исботланиб, ёзувчи оқланди.

Ҳукми ўқийётганимда қалбимда қандай ҳиссиётлар ўтганига келсак, у оқлов ҳукми бўладими, айбловми, авваламбор бу менинг вазифам эканлигини унутмаслигим зарур. Албатта, айбсиз айбланган шахсга нисбатан оқлов ҳукми эълон қилишда нафақат мен, балки ҳар бир судья адолат ўрнатганидан фахрланади. Касби қанчалик шарафли, шу билан бир қаторда, масъулият эканини ҳис қилади.

— Профессional судларда оқловлар кам бўлади. Сиз учун оқлов ҳукмларининг кўплиги нима-ни аниглайди?

— Умуман, ҳозир ҳам оқлов ҳукмлари камаймаган, 2024 йилда 402 та жиноят иши доирасида 723 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилди. Яна 1899 нафар шахс қисман оқланди, 4372 нафар шахснинг айбловидан ортиқча моддалар қиқариб ташланди. Буям қисман оқлов ҳисобланади. Бу ерда биз адолатнинг ажралмас бўлиши, суд жараёнининг бир қисми бўлган суд қарорлари бўйича процессуал шикоятлар мавжудлигини тушунишимиз керак. Яъни фуқаролардан келиб тушган шикоятлар юқори судлар томонидан қўриб чиқилгани ва шикоят асосли бўлса, суд қарорлари ўзгаририлари. Назаримда, оқлов ҳукми ортиши билан фахрланиш тўғри эмас. Айбсизлик презумпцияси шунчаки декларатив норма бўлиб қолмасдан амалиётда ишлаши лозим. Қонунлар ишласа, бир парча қоғоз бўлиб қолаверди. Суд мукоамаси чоғида бир неча ёлланган қонун бандларини ўқиб чиқишининг ўзи кифоя қилмайди. Менга қолса, бирорта ҳам оқлов ҳукми бўлиши керак эмас. Чунки ҳар бир оқлов ҳукмининг ортида асоссиз айблов, адолатсиз қарорлар ётади. Шахс оқланганича унинг яқинлари бошдан ўтказган руҳий изтиробларини айтмасак ҳам бўлади. Шу нуқтага назардан, шахс судир этмаган жинояти учун асоссиз равишда айбланмаслигини таъминлаш мақсадида дастлабки тергов сифатини оширишга катта аҳамият қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

— Сиз “Судлар томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлаш муаммолари” мавзусида ҳуқуқ бўйича фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилгансиз. Ҳам олим, ҳам судья сифатида қандай қарорларни қабул қилиш қийин кечади?

— Умрбод озодликдан маҳрум этиш фақуллодда жазо чораси ҳисобланиб, ушбу жазонинг Жиноят кодексида фақатгина жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми) ҳамда терроризм (155-модда) жиноятлари учун

қўлланиши мумкинлиги назарда тутилган. Шу сабабли ҳам нафақат умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш, балки ушбу жазога лойиқ жиноят ишларини қўриш ҳар бир судьядан юксак масъулият талаб этади. Лекин умумлаштириб айтганда, судья учун ишнинг оғир ва енгил бўлиши мумкин эмас. Агар судлар ишни тоифаларга ажратса, унга қараб ишни қўришга бўлган муносабати ўзгаради, пировардида судьянинг ишга бўлган ёндашуви тоифаланиб адолат мезони йўқолишга олиб келади.

Шу боис ҳар бир судья ишни қўришга пухта тайёрланиши, қонунларни қўллашда адашмаслиги лозим. Бунинг учун эса судья ўз устида тинимсиз ишлаши, жумладан, суд амалиётини таҳлил қилиш орқали таҳрибасини ошириб бориши лозим.

— Кейинги йилларда мустақил суд тизимини таъминлайдиган, ҳар бирнинг замирида ҳолислик, адолат ва инсонпарварлик тамойиллари мукжасман кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Энди бунга амалда қандай эришиш ва уни сақлаб қолиш мумкин?

— Ўтган даврда қонун устуворлиги билан бошқариладиган демократик давлатни яратишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш учун етмишга яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Судларга қўшимча штатлар ажратилиб, тергов судьяси лавозими жорий этилди. Маъмурий суд ишларини юришти тўғрисидаги, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари, “Судлар тўғрисида”ги, “Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Конституциявий суд тўғрисида”ги қонунлар янги таҳрирда имзоланди. Судларнинг жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция, кассация ва тафтиш тартибиде қайта қўриб чиқиш институтлари амалиётда киритилди. Тергов ва суриштирув, одамларни ҳибсга олиш ва ишларни судларда қўриб чиқиш мuddатлари сезиларли даражада қисқартирилди. Ўлим жазоси жазо тизимидан чиқарилиб, ҳибсга олиш учун санкция бериш, қолаверса, инсон ҳуқуқини чеклаш ва мажбурлов чораларини қўллаш масалалари судларга ўтказилди. Энди суд ва судьялар зиммасида фақат адолатни юзага чиқаришдек улкан вазифа қолди.

“Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, ишонч билан айтмаманки, бугунги кунда ҳолис, адолатли қарорлар қабул қилишда биз, судьялар учун бирор-бир ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар қолмади. Бизнинг соҳамизда етти ўлчаб бир кесиш эмас, керак бўлса, етмиш ўлчаб бир кесиш зарур. Одамларнинг суд тизимига ишончи судья чиқарган қарорнинг қонуний ва адолатчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар жузъий қонунобузарликка йўл қўйилса, бу оммавий тус олиши мумкин. Шу боис ҳам судьяларнинг фақат битта ҳўжайини бўлиши мумкин — у ҳам бўлса қонун.”

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, ишонч билан айтмаманки, бугунги кунда ҳолис, адолатли қарорлар қабул қилишда биз, судьялар учун бирор-бир ҳуқуқий ёки бошқа тўсиқлар қолмади. Бизнинг соҳамизда етти ўлчаб бир кесиш эмас, керак бўлса, етмиш ўлчаб бир кесиш зарур. Одамларнинг суд тизимига ишончи судья чиқарган қарорнинг қонуний ва адолатчилигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Агар жузъий қонунбузарликка йўл қўйилса, бу оммавий тус олиши мумкин. Шу боис ҳам судьяларнинг фақат битта ҳўжайини бўлиши мумкин — у ҳам бўлса қонун.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида судьялар мустақил эканлиги, улар фақат қонунга бўйсунishi, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги, бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган бўлиши ҳам бежиз эмас. Барча судларда ишлар очик қўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда қўриб чиқиш ҳам фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилиши мумкин. Бугун нафақат юртдошларимиз, чет эллик фуқаролар ё фуқаролар бўлмаган шахслар ҳам ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий эркинлиги, мол-мулки, ҳуқуқ ва манфаатларини судда самарали ҳимоя қилиш имкониятига эга. Буни ҳар йили судга келиб тушган му-



рожаатлар сонидан ҳам билиш мумкин. Фуқароларнинг судга тез-тез мурожаат қилаётгани уларнинг суд тизимига ишончи ортиб бораётганидан далолат беради. Бу ишончини ошириш Олий суднинг ва мамлакатимиздаги бутун суд тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Этиборлики, судларнинг мустақиллиги, улар фаолиятининг шаффофлиги ва қабул қилинган қарорларнинг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлиши давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ҳамда инвестициявий жозибдорлигини оширишга хизмат қилишини унутмаслигимиз зарур.

— Йилига ўртача қанча суд ишлари қўриб чиқилади? Сиз учун энг қийин жараён қайси бири?..

— Республика бўйича йилига ўртача 50 — 60 мингта жиноят иши, 120 минг атрофида санкция ва материаллар ҳамда 600 мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қўриб тамомланади. Энг қийин жараёнга келсак, жиноят ишларини ўрганишдан тортиб, қарор қабул қилгунча бўлган ҳар бир жараёнининг ўз қийинчиликлари бор. Айрим ҳолларда судьялар юзлаб жилд жиноят ишларини ўрганиб, мингдан ортиқ тарафларни суд мажлисига чақиритишга тўғри келади. Суд мажлиси қелган ҳар бир тараф ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини эшитиш, уларни суд мажлиси баённомасига қайди қилиб бориш билан бир қаторда, уларга ички ишончидан келиб чиққан ҳолда баҳо беришнинг машаққатини тасаввур этаверинг. Шунга қарамай барибир қарор қабул қилиш жараёни энг машаққатлиси. Чунки унда инсон тақдирига алоқадор улкан масъулият ётибди.

— Судьялар ишларини енгиллаштириш учун қандай техник янгилклардан фойдаланилмоқда?

— Суд тизимига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш бораси-

камасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлари аниқлаб берилиши ва шу каби бошқа бир қатор қулайликларнинг яратилиши, суд соҳасидаги барча кутган ўзгаришлардан бири деб ҳисоблайман. Бу ислохотлар орқали судлар фаолиятининг халқаро стандартлар ва ривожланган давлатлар илгор ютуқлари даражасида янада очик ҳамда шаффоф бўлиши таъминланади.

— Нима деб ўйлайсиз, бошқа мамлакатларга қараганда, бизда судга бериш арзонми? Дейлик, одамлар йиллаб судга қатнайди ва умуман, ҳамма масалаларни суд орқали ҳал этиши тўғрими? Бу ўзининг ҳам, ўзганиннг ҳам вақтини олиш дегани эмасми?

— Суд харажатлари судга бўлар-бўлмас мурожаатларни тийиб турувчи омил. Мақсад фуқароларнинг пулини олиш эмас. Қўтарилган масала суд фаолиятига доир долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунинг негизда судьяларнинг йилдан-йилга ортиб бораётган иш ҳажми бўлиб, унинг ўсиб бориш сабабларини ўрганиш, иш ҳажмини камайтириш, масалага доир қонунчилик асосларини такомиллаштириш юзасидан Олий суд томонидан тизимли таҳлилий ишлар олиб боришмоқда.

Бу борада, албатта, саволингиздаги суд харажатлари масаласи ҳам алоҳида ўрин олган. Ҳуқуқ назариясида судга мурожаат қилиш чоғида давлат божи тўланиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Унинг миқдори, оддий қилиб айтганда, қиймати кўтарилган масалага қараб, айрим даъво турлари бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг бараварига, айрим турлар бўйича эса ундирилиши сўралаетган миқдорнинг доизига нисбатан белгиланади. Лекин давлат божига нисбатан ўрнатилган бундай тартиб ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб этадиган шахс учун судларга мурожаат қилиш учун ҳеч қачон тўсиқлик ҳисобланмаган. Айниқса, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича тўланаётган давлат божларини, шу жумладан, чет эл валютасида кам, яъни айтганиндек, арзон деб бўлмайди.

Судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан амалга оширилиши Конституциямизнинг 140-моддасида мустаҳкамланган. Бундай ҳолат Давлат бюджетни шаклланишига, яъни ундирилаётган давлат божининг миқдорига ва тушумига доир масалалар судларни қизқитмаслигидан далолат беради.

Амалга оширилаётган таҳлиллар, мамлакатимизда изчиллик билан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари давомида, жумладан, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар урдаланмоқда. Хусусан, одил судловга эришиш имкониятлари янада кенгайтирилмоқда. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, судларга мурожаат қилиш ҳолатлари кўпайиши бошқа ривожланган мамлакатлар сингари аҳолининг судларга бўлган ишончи тобора ортаётганигидан далолат.

Фикримизча, Фарб давлатлари сингари одил судловни қимматлаштириш ўрнига давлат раҳбарининг ташаббусига мувофиқ, одил судловга “сунъий интеллект”ни кенг жорий қилиш йўли билан судьяларнинг иш ҳажмини камайтирса бўлади. Ҳозирда бу борада Олий судда қизғин ишлар бажариляпти, қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилимоқда.

— Суҳбатимиз якунида тажрибангиздан келиб чиқиб, ёш судьяларга нималарни маслаҳат берасиз? Ўқш давомида улар кўпроқ нималарга эътибор қаратишлари керак?

— Ёш судьялар, аввало, танлаган касбининг масъулиятини англаб етишлари лозим. Суд қарорларига қўйилдиган урта талаб бор. Бу — қонуний, асосли ва адолатли бўлиш. Ҳар қандай қарорни қабул қилишда судьялар ушбу учта тамойилга мос ёки йўқлигини чуқур ўлчаб қўришлари керак, деб ўйлайман.

Ёш судьяларга яна бир тавсиям: юридик адабиётлардан ташқари бадий асарларни ҳам ўқиб туриш фақат фойда келтиради. Бадий асарлар, биринчидан, сўз бойлигини оширади, иккинчидан, қалбни юмшатади, дунёқарашни кенгайтиради. Ёш судья учун эса энг асосий қуроллардан бири, бу — сўз. Қолаверса, судьялик касби учун уйғоқ ҳал керак.

Суҳбатдош: Адиба УМИРОВА («Халқ сўзи»).

Акс садо Иқтисодий модернизация ва халқаро ҳамкорлик платформаси

Ўзбекистон бугунги кунда фаол иқтисодий ислохотлар ва модернизация жараёнини амалга ошириб келмоқда. Бу эса хорижий инвесторлар учун янги имкониятларни яратмоқда. Мамлакат хориж инвестицияларини барқарор иқтисодий ўсиш ва тараққиётнинг муҳим омилли сифатида кўрмоқда.



10 — 12 июнь кунлари бўлиб ўтган IV Тошкент халқаро инвестиция форумида умумий қиймати 30,5 млрд. АКШ долларилик инвестиция ва савдо битимлари имзолангани чет эллик сармоядорларнинг Ўзбекистонга бўлган ишонч ва қизиқишининг ортиб бораётганига яққол далилдир. Ушбу нуфузли форум нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё давлатларида кузатилаётган юқори иқтисодий ўсиш суръатларини намойён этувчи нуфузли халқаро майдон ҳамдир. Бу глобал инвесторлар учун Ўзбекистонда мавжуд бўлган салмоқли инвестиция имкониятлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат активларини шаффоф ҳолда хусусийлаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Қисқача айтганда, инвестициявий муҳит тубдан яхшилланмоқда. Жаҳон банкининг 2024 йилги ҳисоботида кўра, Ўзбекистон инвестициявий жозибадорлик бўйича минтақадаги энг юқори суръатларда ўсиб бораётган давлатлар қаторига қиради. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўзининг муносиб аксини топяпти.

Ҳар бир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган муваффақиятлари тағ-замирида шу жамиятда яшайётган ва меҳнат қилаётган инсонларнинг билими, малакаси, таҳрибаси ва салоҳияти ётади. Зеро, инсон капитали мамлакатнинг эртанги кунини белгилаб беришчи энг муҳим мезонлардан биридир.

Ўзбекистонда инсон капиталидан самарали фойдаланишга иқтисодий тараққиётнинг асосий омилли сифатида қаралмоқда. Давлатимизнинг аҳолини ўқитиш, унинг саломатлигини асраши, ижтимоий ҳимояни кафолатлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлари инсоннинг нафақат шахс сифатида камол топиши, балки мамлакатнинг янада рақобатбардosh

Ўзбекистон тараққиётининг янги уфқлари



Яқинда пойтахтимизда ўтказилган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгаши мажлиси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллашга интилувчи давлат сифатидаги салоҳиятини яна бир бор намойён этди. Ушбу нуфузли тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббус ва ислохотлар мамлакатнинг очик, барқарор ҳамда инсон қадрига асосланган иқтисодий сиёсат олиб бораётганини тасдиқлади.

Форумнинг бош мавзуси инвестицияларни фақат иқтисодий ўсиш манбаи эмас, балки тинчлик ва барқарорликнинг асосий кафолати сифатида қўришга бағишланди. Буни Президент Шавкат Мирзиёев шундай ифодалади: “Бизга нафақат молиявий фойда келтирадиган, балки инсон манфаатларига хизмат қиладиган инвестиция муҳити керак”.

Бу ғоя Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсатининг марказий нуқтасига айланмоқда. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти сўнгги саккиз йилда икки баробар ошди, 2024 йилда эса инвестициялар ҳажми 35 млрд., экспорт эса 27 млрд. долларга етди. 2030 йилгача ЯИМни 200 млрд. долларга етказиш мақсади белгиланб олинди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тўрт стратегик йўналишда ислохотларни амалга оширмоқда:

Биринчи йўналиш — “яшил” иқтисодиёт моделига ўтиш. Мамлакатимизда “яшил” энергетикани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда бу соҳага 6 млрд. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди.

Иккинчи йўналиш рақамли технологиялар ва сунъий интеллект йўналишини қамраб олади. Бу соҳа иқтисодиётнинг асосий драйверига айланмоқда. 2025 йилда Ўзбекистоннинг IT экспорти 1 млрд. долларга етади, 2030 йилда эса бу кўрсаткич 5 млрд. долларга оширилади. Сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексида мамлакатимиз бир йилда 17 поғонага кўтарилди.

Молиявий ислохотлар ва хусусийлаштириш учинчи йўналиш сифатида белгиланди. Ўзбекистон молия секто-

бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Албатта, инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишига ички ҳамда ташқи омиллар сезиларли таъсир кўрсатади. Ички омиллар инсоннинг ўзи билан бевосита боғлиқ бўлса, ташқи омиллар бошқа субъектларнинг инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришга таъсири билан алоқадор.

Инсон капиталига киритилган ҳар қандай инвестиция етарли даражада юқори рентабелликка эга бўлсагина у ўзини оқлайди. Шунинг учун инсон капиталига инвестиция киритиш билан боғлиқ инвестиция сиёсатини амалга оширишда бу борадаги таваккалчиликларни таҳлил қилиш ва инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш долзарб саналади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ўртасидаги узвий боғлиқлиқни намойён қилди. Форум мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини намойиш этиш, инвесторлар билан мулоқот ўрнатиш ва инвестиция муҳитини яхшилаш учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилади. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз инвесторлар учун очик, эркин, барқарор ва ишончли мамлакат — янги Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. Бу йўлда бошлаган ва ортага қайтмас тус олган ислохотларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз.

Умуман олганда, форумда имзоланган битимлар, қабул қилинган қарор ва лойиҳалар иқтисодий тараққиёт билан бирга оддий фуқаро учун ҳам манфаатлидир. Келажақда қуриладиган заводлар, ташкил этиладиган корхоналар ва логистика марказлари орқали ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш мумкин. Бу ишсизликни камайтиради ва аҳоли даромадларини оширади.

Элдор ТУЛЯКОВ, «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори.

Швеция ва Финляндиядан ўрнатилган таълимнинг замонавий ёндашувлари

Мамлакатимизда таълим соҳасига эътибор йил сайин ошиб бораётгани натижасида минглаб устоз ва педагоглар халқаро тажриба алмашиш, малака ошириш имкониятига эга бўлмоқда. Жорий йилнинг 24 апрелидан 7 майгача мамлакатимизнинг 10 та етакчи педагогик олий таълим муассасасидан 25 нафар раҳбар ва профессор-ўқитувчи Финляндияда таълим сафарига бўлиб, фин ва швед таълим тизими билан бевосита танишди. Бу эса нафақат шахсий, касбий ўсиш, балки миллий таълим инфратўзилмасини такомиллаштириш, инновацион ёндашувларни жорий қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хамкорлик

Хорижий ҳамкасбларимиз билан учрашувлар, таълим муассасаларига ташрифлар ва амалий мулоқотлар давомида маълум бўлдики, фин таълимидаги энг асосий устуллик, бу — ишонч маданияти ва тенг имкониятлар тамойили.

Фин мактаблари стандартлашган тестларсиз, назоратсиз ва рақобатсиз фаолият олиб боради. Хар бир мактаб сифатли таълимни таъминлайди, ўқувчи учун энг яхши мактаб — уйга яқин мактаб ҳисобланади. Бу эса таълимнинг барча нуктада тенг ва юқори савияда ташкил қилинганидан далолат беради.

Билимга асосланган жамиятни барпо этишда таълимнинг шахс салоҳиятига йўналтирилган бўлиши, унинг феъл-атвори, қизиқиш ва эҳтиёжлари инobatга олиниши жуда муҳим. Бу — ўқувчи ёки талаба фақат маълумот эгаси бўлиши керак эмас, балки мустақил фикрлайдиган, ижтимоий масъулиятни ҳис этадиган, янгиликка очик шахс бўлиб камол топиши керак деган ғоянинг ифодасидир.

Финляндия ва Швеция таълим тизимлари айнан шу мезонларга суюнган ҳолда шаклланган. Бу мамлакатларда таълим фаолиятида рақамлар, рейтинглар, босим ўрнига қўлаб-қувватловчи муҳит, ўқувчи-ўқитувчи ўртасидаги ишончли муносабат ва фаол ҳамкорлик эгалланган. Бундай ёндашув нафақат таълим жараёнини самарали қилади, балки жамиятда ижтимоий барқарорлик ва инсонийлик муҳитини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда ушбу давлатларда ўқитувчи касби энг нуфузли ва энг юқори эътиборга қадр қилардан бири ҳисобланади. Уларнинг иш ҳолатлари, эркин қарор қабул қилиш имкониятлари, касбий ривожланишга бўлган шароитлар ва жамиятдаги ўрни биз учун ҳам ибрат бўлади.

Делегациямиз аъзолари ўз қузатувлари давомида ушбу тизимларнинг инсонпарварлик ва адолат мезонларига асосланганини алоҳида таъкидлашди. Энди асосий вазифа — ушбу илгор ғоя ва ёндашувларни миллий шароитимизга мослаштириш, бу йўлда ўз педагогик моделимизни шакллантириш, ўзгаришлар ташаббусқори бўлиш.

Таълим марказида — ўқувчи шахси

Финляндия ва Швеция каби давлатларнинг шахсга йўналтирилган таълим ёндашувлари бизнинг педагогик ислохотларимиз учун бекиёс манба ҳисобланади. У фақат билим олувчи эмас, балки

ларли кам, бу ўқувчиларга мустақил ўқиш ва дам олиш имконини беради. Ўзбекистонда эса ўқув дастурлари зич ва кўп жиҳатдан марказлашган. Шу билан бирга, фин жамиятида ўқитувчилик касби жуда юқори қадрланади, унга кириш учун қўйилган талаблар ҳам юқори. Бу эса таълим сифатига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир.



Аҳамиятисини, яъни биз учун энг муҳим хулоса шундаки, таълим жараёнида асосий эътиборни фақат технология воситаларга эмас, балки инсон омили — ўқувчининг шахсий эҳтиёжлари, индивидуал ривожини ва салоҳиятини очиб қаратиш зарур. Ўқитувчи эса ана шу ривожланиш жараёнининг йўлбошчиси бўлиши шарт. Финляндия ва Швеция тажрибаси шунини кўрсатадики, замонавий таълим — шунчаки билим бериш эмас. Бу — шахсини англаш, қўлаб-қувватлаш, унга ишонини ва унинг жамиятда ўз ўрнини топишига илҳом бериш жараёни.

Хар бир болага индивидуал ёндашув

Финляндияда таълим тўлиқ бепул



ташкил этилган бўлиб, ўқувчилар нафақат дарсларда, балки тушуллик овқати, экскурсиялар ҳамда ўқув қуроллари билан ҳам давлат ҳисобидан таъминланади.

Бу мамлакатда таълим жараёнида боланинг индивидуал хусусиятлари инобатга олинади. Топириқлар хар бир ўқувчининг ўзлаштириш даражасидан келиб чиқиб берилади. Жисмоний ва ақлий қобилияти турлича бўлган болалар бирга таълим олади. Бу эса инклюзив таълим тамойилларининг амалдаги ифодасидир.

Шу ўринда кичик, лекин мазмунан катта аҳамиятга эга мисолни келтириш

мумкин: хар бир боланинг темпераменти ва шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, унга мос ва қулай ўриндик (стул) танлаб берилади. Бу орқали бола ўзини эркин, қулай ҳис этади, таълим олиш жараёнида фаол қатнашади. Фин педагогикасидаги бундай ёндашув болани маълумот билан эмас, балки билим билан қуроллантиришга хизмат қилади, яъни билим болага босим ёки мажбурлаш орқали эмас, балки унинг табиий қизиқиши ва қобилиятини рағбатлантириш орқали сингдирилади.

Бундан ташқари, баҳолар фақат ўқувчининг ўзига маълум қилинади. Бу баҳодан жазо ёки тақдирлов воситаси эмас, балки мотивация учун фойдаланиш тамойилидир. Бундай тизим болаларда ўз қобилиятига ишончини сақлаб қолади, уларда танқидларга нисбатан психологик иммунитетни шакллантиради. Бу билан эса келажақда мустақил фикрлайдиган, ички ишончга эга шахслар камол топишига замин яратилади.

Финляндия таълим тизимидаги хар қандай детал, кўзга кўринмасдек туюлган жиҳатлар ҳам бола келажагига қаратилган юксак масъулият ва инсонпарвар ёндашувни намойён этади.

Инсонларвар тизим ва ишонч тамойили

Асосийси, Финляндия ва Швециядаги таълим тизими инсон қадри, эркин фикр ва ишонч тамойилларига асосланади. Бу мамлакатларда ўқитувчи назоратчи эмас, балки ўқувчига йўл кўрсатувчи, шерик сифатида намойён бўлади.

Дейлик, дарс жараёнида савол бериш, фикр билдириш, мунозара қилиш одатий ҳол ҳисобланади. Таълим статик эмас, аксинча, ҳаракат, интерактив

шади. Масалан, Финляндиянинг Юваскула университетидида педагоглар учун очиклик, ишонч ва сифатга асосланган иш муҳити яратилган. Унинг фаолияти илмий изланиш, сифатли таълим ва жамиятга амалий таъсир кўрсатиш каби устувор йўналишларга таянади.

Эътирофга лойик жиҳати, педагогик кадрларни саралашдаги юксак мезонлардир. 2022 йилда педагогик таълим йўналишига 1 минг 750 нафар абитуриентдан фақат 89 нафари қабул қилинган. Сўхбат босқинчида номзоднинг билимидан кўра, касбга бўлган муносабати ва шахсий фазилатлари устувор аҳамият касб этади.

Ушбу тажриба Ўзбекистон таълим тизими учун муҳим хулосаларни тақдим этади. Педагогларнинг малакасини ошириш, таълимда инсонпарвар ёндашув, эркин фикр ва ишонч муҳитини шакллантириш, ўқув дастурларини энгиллаштириш, технологияни ёрдамчи восита сифатида қўллаш орқали таълим сифатига эришиш мумкин. Энг муҳими, мукаммал таълим тизими инсонга ишонч, эркинлик ва муҳаббат билан йўл очади.

Асосий масала — шахс камолоти

Швеция таълим тизими тенглик, ишонч ва эркинликка таянади. Бу ерда ҳам мактабларда стандарт тестлар ўрнига шахсий ривожланиш устувор ҳисобланади. Ўқитувчи — йўлдош, ўқувчи эса марказдаги шахс. Дарслар мулоқот, амалий машгуллов ва жисмоний фаолликка бой. Энг муҳими, хар бир бола ўз қобилиятига қараб ўқий имконига эга.

Мактаб муҳити хавфсиз, қулай ва эс-

Финляндия ва Швеция таълим моделлари — инклюзивлик, индивидуал ёндашув, амалий ҳаёт билан боғлиқликда алоҳида аҳамият касб этади. Адаптив платформалар, виртуал моделлар ва реал ҳаётий таҳлиллар ўқувчиларни мустақил фикрловчи шахс сифатида шакллантиради.

Швецияда ўқувчи фикрини эркин ифода этиш рағбатлантирилади, “тўғри жавоб” эмас, балки асосли мулоҳаза қадрланади. Бу, ўз навбатида, фаол фуқаролик позицияси шаклланишига хизмат қилади.

Эътиборга молик яна бир жиҳат, педагог кадрларни тайёрлашдаги мустаҳкам тизим ва ўзаро методик ҳамкорлик муҳити. Ўқитувчилар доимий равишда тажриба алмашиш, таҳлил ва илмий изланишлар билан шугулланишга рағбатлантирилади.

Бу тажрибалардан келиб чиқиб айта оламизки, муваффақиятли таълим тизими — бу фақат қарор ва ҳужжатлар эмас, балки мактаб ичидаги ҳаёт, инсонлараро муносабатлар, ишонч ва ҳамкорлик маданияти.

Халқаро Нордик университети ташаббуси билан ташкил этилган малака ошириш сафари давомида Финляндия ва Швеция таълим тизимлари бевосита ўрганилди. Ушбу мамлакатларда таълим фақат билим бериш эмас, балки шахс камолотига хизмат қилувчи, инсонийлик ва эркинликка асосланган ҳаётга тайёргарлик тизими сифатида қаралади.

Бу ерда хар бир бола шахс сифатида қабул қилиниб, унга тенг имкониятлар, эмоционал барқарорлик ва эркин ўсиш муҳити яратилади. Ўқувчи — фаол субъект, ўқув жараёнининг иштирокчиси; ўқитувчи эса йўлбошчи ва жамиятда обрўли мутахассис сифатида намойён бўлади.

Фин ва швед мактаблари болалар ҳаётининг марказига айланган: улар нафақат ўқийди, балки мулоҳаза юритади, жамоавий ишлаш ва муаммоларни мустақил ҳал қилишни ўрганишади. Технологиялар онгли тарзда таълимга жорий этилади, ўқитувчилар мунтазам касбий ривожланади, ота-оналар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бу тажриба Ўзбекистон таълим тизими учун бой хазинадир. Уни маҳаллий шароитга мослаштириб, таълимни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш имкони бор. Аммо бу жараён фидойи ўқитувчи ва профессорлардан чўқур таҳлил, ўзгаришларга очиклик ва масъулият талаб этади.

Фин таълим тизимининг PISA тадқиқотларидаги муваффақияти, қисқа ўқув даврига қарамий юқори натижаларга эришиши — самарали ва инсонпарвар ёндашувнинг аниқ исботи. Демак, ўрганиш, кузатиш ва тажрибани жорий этиш хар бир замонавий педагогнинг нафақат касбий, балки фуқаролик бурчига айланмоғи лозим.

Чарос АХМЕДОВА, Халқаро Нордик университети ўқитувчиси, Шукурullo ИҲЛДОШЕВ, таянч докторант.

Миллий контент: Ўзбекнинг ўз сўзи

Инсоният эволюциясида маданий билимларни узатишнинг ривожланиш босқичларини археологик маълумотлар асосида ўрганиб чиққан Италиянинг Понтифик Муқаддас хоч университети ва Франциянинг Бордо университети тадқиқотчилари яқинда бир қизиқарли хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашича, одамлар ўзларидаги билимларни бошқаларга ўргатиши тақминан 2 миллион йил олдин бошлашган экан. Бунда устозлар шогирдларининг янги кўникмаларни эгаллаши осон бўлиши учун ўз ҳаракатларини атайлаб секинлаштирган.

Мушоҳада

Бу илмий хулосаларини аҳамияти шундаки, айнан билимларнинг авлоддан-авлодга ўтиб, мукаммаллашиб бориши инсоният тараққиётини таъминлаган асосий омилдир. Шу нуктаи назардан, бугунги ахборот даврида биз қайси манбалардан қанақа маълумотларни олишимиз нафақат дунёқарашимизнинг шаклланишига, балки келажагимизнинг қандай бўлишига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Бундан бор-йўғи 10 — 20 йил муқаддам биз учун асосий тезкор ахборот манбалари телевидение, радио ва газета-журналлар эди. Бугунга келиб эса интернет энг юқори маквени эгалламоқда. Ҳатто аънавий оммавий ахборот воситалари ҳам рақамли форматларга ўтпади. Дунёқарашимиз, тарихига ва сийбасатга, атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатимиз асосан интернетдан олаётган маълумотлар асосида шаклланипти.

Шундай бир вазиятда турли сийсий қарашлар ўртасида кескин рақобат юзга келмоқда. Томонларнинг ҳар бири бу рақобатда устун келиш учун яна ўша интернетдан фойдаланишяпти — ўз қарашларини асословчи аудио, видео ва матн қўринишидаги контентларни тобора кўпайтирмоқда.

Ҳўш, бизчи? Биз ўз миллий манфаатларимизни ифодалайдиган маълумот ва ахборотларни интернет орқали етарли даражада тар-



қата оляпмизми? Дунё ҳамжамиятига ўз сўзимизни айта оляпмизми?

Бу саволга жавоб бериш учун баъзи бир фактларга тўхталиб ўтишга тўғри келади. “Рокетперевод” сайти берган маълумотга кўра бугунги кунда интернетда тарқатилётган контентнинг 27 фоизи инглиз, 20 фоизи хитой (мандарин диалекти), 6 фоизи испан, 5 фоизи араб тилида. Бу — энг катта кўрсаткичга эга бўлган тиллар. Мана шу маълумотларни эълон қилган сайт рус тилида бўлиб, бу тилининг интернетдаги улуши 3 фоизни ташкил этади. Маълумотларни нега бошқа тилда юритилмадиган сайтдан олганимизга келсак, очигини айтиш керак — уларни ўзбек тилида топиш амримаҳол. Бугун-жаҳон интернет тармоғида она тилимизда яратилган контент шу қадар камки, юқорида келтирилган рўйхатда бизнинг тилимиз “бошқа тиллар” сирасига қиритиб юборилган.

Шу жиҳатдан, 2024 йил 12 январда бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йигилишида Президентимиз замонавий таҳдидларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу таҳдидларга муносиб курашиш учун ахборот маконида миллий контент яратиш зарурлигини куюнчаклик билан гапиргани бежиз эмас. “Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз, дунёдаги воқеаларга мил-

лий манфаатларимиз нуктаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумотлар, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз тўлдирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Қисқа ва аниқ қилиб айтилган бу сўзларнинг замирида аслида олам-олам маъно бор. Бугунги глобализаётган дунёда нафақат геосийсий зиддиятлар, қуролли қўнашувлар, балки ахборот хуружлари ҳам тобора авж олмоқда. Бир сўз билан айтганда, ахборот бошқаларга таъсир кўрсатишнинг қудратли воситасига айланмоқда. Аниқ мақсадларга йўналтирилган ахборотларни тарқатиш орқали бутун бир халқларнинг ахлоқий қарашларини, миллий аънавларини ва қадриятларини ўзгартариб юбориш мумкин. Бундай хуружлардан эса фақат миллининг ўз манфаатларига хизмат қиладиган контент яратиш йўли билан ҳимояланиш мумкин.

Мамлакатимизда бу йўналишда савй-ҳаракатлар бошланганига анча бўлди. Масалан, 2019 йилдаёқ Вазирлар Маҳкамасининг “Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ғи қарори қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган мазкур қарор билан Интернет жаҳон ахборот тармоғида интеллектуал ва ижодий салоҳиятни ривожлантиришга қўмаклашадиган замонавий веб-ресурсларни шакллантириш, шунингдек, ахборот маконида Ўзбекистоннинг тарихи, фани, маданияти ва санъатини тарғиб қилишни қўлаб-қувватлаш, миллий контентни ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тақлифларни шакллантириш ва бошқа бир қатор мақсадларни назарда тутувчи комплекс дастур қабул қилинган.

Дастур кенг қамровли бўлиб, унда, жумла-

дан, миллий веб-ресурслар сонини кўпайтириш ва уларни интернетда тарғиб қилиш, мессенжерларда ҳудудий журнал ва газеталарнинг ахборот каналларини ташкил этиш, илмий ва таълим соҳаларида плагиатга қарши курашиш бўйича рефератлар, мақолалар ва диссертациялар банкни шакллантириш, “Википедия” интернет энциклопедиясида Ўзбекистоннинг машхур спортчилари ва спорт ташкилотлари ҳақида саҳифалар очил, “Спорт — болалар нигоҳида” порталини яратиш каби вазифалар қўйилган.

2025 йилнинг 15 май куни эса “Болалар учун мўлжалланган миллий контентлар яратиш ва уларни омалаштириши қўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ғи Президент қарори қабул қилинди. Унда болалар учун мўлжалланган миллий контентлар, жумладан, аудиовизуал ва санъат асарлари, аудиовизуал ва рақамли маҳсулотларни ривожлантириш ва омалаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Булар қаторида болаларнинг интеллектуал ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, уларда соғлом турмуш тарзи қўникмаси, табияти асраб-авайлаш, миллий қадриятларга ҳурмат ва она Ватанга садоқат ҳиссини тарбиялашга хизмат қилувчи контентлар яратиш ҳамда уларни таълим ва тарбия дастурлари билан интеграциялаш, чет эл контентларининг болаларнинг онги ва қалбига таъсирини мунтазам таҳлил қилиб бориш, зарарли трендлар, хатарли челленжларни аниқлаш ва уларга қарши контентлар ишлаб чиқиш, болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш ва уларни реализация қилишни изчил қўлаб-қувватлаш, ушбу йўналишда юқори билим ва малакага эга кадрлар тайёрлаш каби вазифаларни қамраб олган. Ҳужжатда, шунингдек, болалар учун

мўлжалланган контентлар яратувчиларга бир қатор солиқ имтиёзлари ҳам берилган.

Шу ўринда, мамлакатимизда интернет нашрлари журналистлари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари (блогерлар) ўртасида “Энг яхши миллий контент” танлови ўтказилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Албатта, бир мақола доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни санаб ўтиш имконсиз. Бу муҳим ҳам эмас. Муҳими — мана шу ишлар қай даражада самара бераётганида.

Бугунги кунда интернетда ўзбек сегменти тобора кенгаётганини тан олган ҳолда, бу борада хали қилиниши лозим бўлган ишлар ҳам кўпчилигини қўриб турибмиз. Масалан, кўп ҳолларда ўзимизга керак бўлган маълумотни интернетдан излаганимизда, қидирувга саволни инглиз ёки рус тилида қиритишга мажбурмиз. Чунки ўзбек тилида бизни қониқтирадиган жавоб жуда кам ёки умуман йўқ бўлади. Дунёда бўлаётган воқеаларни билиш учун ҳам кўп ҳолларда хорижий каналларга мурожаат қилишимизга тўғри келади. Боиси — маҳаллий оммавий ахборот воситалари ўша хорижий каналларнинг ахборотларини ўзбек тилига таржима қилиб беришдан нарига ўтмаяпти. Бириксита ҳолатни ҳисобга олмаганда, ҳеч бири хорижий давлатларда ўз мухбирларига эга эмас. Натижада биз бундай ахборотларни ё “Euronews”, ё “Россия 24” призмаси орқали қабул қиламиз. Ваҳоланки, халқимизни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш учун биз дунёда кечаётган жараёнларга ўз манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда баҳо беришимиз керак.

Ўзбекистон — бой тарихга, бетакрор маданиятга, замонавий билимларга эга мамлакат. Бугун дунёда юртимизга бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. Биз яратётган контент ҳам шунга яраша сифатли ва кенг қамровли бўлиши керак. Токи, интернет кенгликларидида Ўзбекистоннинг овози баралла янгрисин!

Жамолидин ТўХТАШЕВ («Халқ сўзи»).

Соғинч



Абдували ҚУТБИДИН

АЗИЗ ВАТАН, ЖОНИМ
ВАТАН, ШОНИМ ВАТАН

Олисларда кўнғироғин чалар қарвон,
Юки оғир, йўли оғир, ларзон-ларзон,
Чақмоқларин қақиб ўтар қора осмон,
Қўрагига муштар урар марди майдон —
Эр йигитлар,
Шер сингиллар, қилич-қалқон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Қоя чўқар, Алпомишнинг наърасидан,
Сойлар сакрар адирларнинг орасидан,
Қарға кўнмас Барчинларнинг тиззасига,
Хаёт суви мангу она кўзасига.
Эр йигитлар,
Шер сингиллар шеvasида:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Кўйдиргани зулмат билан юрди қанча
Болта ўйнаб от устида янчиб-янча,
Сув тубидан ўтлар чиқди кўк қошига.
Эр йигитлар,
Шер сингиллар кўз-қошидан
Ўқлар сачрар, ёйлар сачрар ёв бошига.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Дунё ухлар, кун мудрарди ҳисоб билмай,
Ўтди давру давронлари китоб билмай,
Хоразмда санок чертди аҳдодларим,
Рух ва қалбга сабоқ берди устодларим.
Илми урфон
номи Турон,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар
Қаздилар кон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Бизлар киммиз, туркийларнинг аслиданмиз,
Соҳибқирон Амир Темур наслиданмиз,
Қубро ҳам биз, Баҳоуддин Нақшбандмиз,
Марғинович, қадим тарих — Самарқандмиз.
Гар Насафда нафас олса эр йигитлар,
Андижонда кашта тикса шер сингиллар,
Нафасидан ҳатто қишлар исиб кетар,
Каштасига бутун олам сиғиб кетар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.


Юртнинг усти Устюртмиди, шамол — шоқол,
Ув дедими, туз кўзгалар — бирварақай.
Нукус — қалъам, ҳам юракда тенгсиз лолам,
Эй, онажон Бердаққа айт,
Қалбидир най.
Эр йигитлар, шер сингиллар,
Ашъор тингланг.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Ўзим шохид Мотуридийнинг хобгоҳида,
Мусичалар учиб келар тиловатга.
Бухорийнинг хар эрталаб даргоҳига
Қабутларлар бошин эгар ҳаловатдан.
Бу қай ошён,
Гўзал имон — паноҳида,
Эр йигитлар, шер сингиллар —
Нигоҳида —
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Азим Тошкент қад ростлади паҳлавондай,
Тоғу тахтим кўз-кўз қилиб бу жаҳонга,
Тугғомизни тумор айлаб эшик очди,
Ер юзига буюклидан сўзлар сочди,
Подшо шахрим,
Гард юқмасин жамолингга,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар саф тортишар,
Озодликнинг майдонида
Аҳд айлашар.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Олтин водий ҳалқасида уч гавхарим,
Сирдарёда сир бермаган мохпайкарим,
Бахмалини тўшаб кўйган Жиззахни кўр,
Қақликлардан Зомин ҳақда қўшиқлар сўр,
Эр йигитлар,
Шер сингиллар,
Бўлинглар жўр:
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.

Дуру маржон, боғу бўстон, Ўзбекистон,
Кўзим нури мусаффо тонг, Ўзбекистон,
Сажда этдим дуо сўраб, бобо юртим,
Хар лаҳзада ризо сўраб, момо юртим,
Эр йигитлар, шер сингиллар,
Қўл кўтарди,
Она, инон,
Ота, инон.
Қани бирга, биз биргамиз, биз — ҳаммамиз,
Азиз Ватан, жоним Ватан, шоним Ватан.



Лондоннинг жануби-шарқий қисмидаги Гринвич тумани Буюк Британия пойтахтининг нисбатан сокин ва кўркем мавзелиридан. Бу ҳудуд жаҳонга машҳур Гринвич обсерваторияси билан ҳам танилган.

Фахр

Мазкур илмий муассаса инглиз қироли Карл II (1630 — 1685) та-шаббуси билан 1675 йилда барпо этилган. Расадхонани тиклашдан асосий мақсад денгизчилар учун координатларни аниқ белгилаш бўлган.

Шунингдек, бу ҳудуддан дунёдаги ноличчи вақт меридиани ўтган бўлиб, 1885 йилда астроном Не-виль Маскелайн томонидан “Грин-вич вақти” тушунчаси истеъмолга киририлган. Шундан буён дунё бўйича вақт ўлчов тизими айнан Гринвич меридианига қўйсан ўлча-нади. Масалан, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамла-катларида GMT (Greenwich Mean Time) +5 кўринишида белгиланган. Демак, бизда вақт Гринвичга нис-батан 5 соат олдинроқ “юради”.

Хуллас, бутун дунё ўз соатла-рини Гринвичга қараб тўғрилайди. Дунё соатининг белгиланишига Гринвич обсерваторияси олимла-рининг илмий кузатишлари сабаб бўлган. Бу муассасанинг қурили-шига эса Мирзо Улугбек мактаби ҳамда унинг машҳур “Зижи жади-ди Кўрагоний” асарининг ҳиссаси катта бўлган, десак, хато қилма-ган бўламиз.

Бундай дейишимизга иккита рад этиб бўлмас далил бор. Улардан бири — Оксфорддаги Илм-фан та-рихи музейида сақланаётган, Мир-зо Улугбек мактабига тегишли ус-турлоб, иккинчиси, шу шаҳардаги Бодлеан кутубхонасидан ўрин ол-ган “Зижи жадиди Кўрагоний” кўлэмасидир.

Гап шундаки, мазкур кўлэма Мирзо Улугбек ҳаётигида кўчи-

рилган. Форсийда битилган бу ил-мий асар ҳошиясидаги усмонли турк тилидаги қайдлар унинг маъ-лум вақт усмонийлар даври кутуб-хонасида сақланганидан далолат беради. Катта эҳтимол билан кўлэма 1473 йилда Мирзо Улуг-бекнинг садоқатли шоғирди Али Қушчи томонидан Самарқанддан Истанбулга олиб кетилган. Али Қушчи Фотиҳ Султон Меҳмет са-ройида фаолият кўрсатган, астро-номия, математика, мантиқ, тил-

ритган. Гривз ўша йилнинг апре-лида усмонийлар пойтахтида инглиз савдогари ва консули Питер Уайт билан учрашади. Унинг кўма-гида олим Али Қушчи Самарқанддан келтирилган кўлэмалар ва астроно-мик асбобларга ҳам эга бўлади ҳамда Лондонга қайтади. Улар ора-сида мисрлик олим Птоломей-нинг “Алмагест” асари шарҳи — Абдурахмон ас-Суфийнинг “Кўзгал-мас юлдузлар тасвири ҳақида ки-тоб” асари, Мирзо Улугбекнинг

“Бутун дунё ўз соатларини Гринвичга қараб тўғрилайди. Дунё соатининг белгиланишига Гринвич обсерваторияси олимларининг илмий кузатишлари сабаб бўлган. Бу муассасанинг қурилишига эса Мирзо Улугбек мактаби ҳамда унинг машҳур “Зижи жади-ди Кўрагоний” асарининг ҳиссаси катта бўлган, десак, хато қилмаган бўламиз.”

шунослик ва бошқа йўналишларда асарлар битган. У Самарқанддан кўплаб асарлар, расадхонада иш-латилган асбоб-ускуналарни, де-макки, ушбу кўлэмани ҳам ўзи би-лан Истанбулга олиб келган бўли-ши мумкин.

Кўлэма ҳошиясидан ўрин ол-ган лотин тилидаги қайдлар эса инглиз олими Жон Гривз (1602 — 1652)га тегишли. Биз Ўзбекистон-даги Ислон цивилизацияси мар-кази делегацияси билан Оксфорд-да борганимизда бу кўлэма би-лан ҳам танишдик. Бодлеан кутуб-хонаси Шарқ кўлэмалари бўлими куратори Николас Контвааснинг айтишича, бу асарни Жон Гривз 1638 йилда Истанбулда кўлга ки-

“Зижи жади-ди Кўрагоний” асари, шарқона устурлоб ҳам бўлган. Кейинчалик, Улугбек саройида қайта кўчирилган, Ас-Суфийнинг “Алмагест” асарига шарҳи номаъ-лум сабабларга кўра Францияга бориб қолган ва айни пайтда Франция Миллий кутубхонасида сақланмоқда. Жон Гривз форс ти-лини жуда яхши билар, шу тилни ўрганиш бўйича қўлланма ҳам яратган. Шу боис у “Зижи Кўраго-ний”ни пухта ўрганиб чиққан, ўз қайдларини китоб ҳошиясига би-тиб қолдирган. У ўзи билан олиб келган устурлоб ёрдамида осмон ҳисмлари ҳаракатини тадқиқ эт-ган. Жон Гривз айни шу асарнинг биринчи қисмида келтирилган

СОФИ ОШ СИРЛАРИ

Нусрат Ҳалимов — ошпазлар сулоласидан. Падари бузруквори Наврўз отанинг қаватида кирганида хали суяги қотмаган йигитча эди. Бугун Бухоро шаҳрининг олди ошпазларидан. У ҳақда сўз очилганда ён-атрофдагилар “Софи ош тайёрлашнинг ҳадисини олган”, дейишади. “Чорбоғ” ош марказидан хўрандалар қадами узилаётгани сабаби ҳам шунда.

Маҳорат

— Бухорода қобили ҳамда софи ош пи-ширилади, — дейди Нусрат ака. — Тўй-маъ-ракаларни улурсиз тасаввур этиб бўлмайди. Софи ошни Бухородан бошқа жойда учрат-майсиз. У мазали, парҳезбоп таом. Мис қозонда тайёрланади.

Софи ош пиширишнинг ўз йўл-йўриги бор. Бунинг учун гуруч алоҳида, гўшт алоҳида қай-натилади. Дастлаб қозонга сабзининг бир қисми тушади. Кейин гўшт солинади. Устига яна сабзи ташланади. Майиз, нўхат солин-ган тагин сабзига навбат келади. Кейин таом устига доғланган мой сепилади. Пахта мойига кунгабоқар, кунжут, қовун уругидан олинган ёғнинг аралаштирилиши паловни янада хушбўй қилади. Ва 30 — 40 дақиқа дам егач, таом тайёр бўлади.

Нусрат ака ва унинг шоғирдлари қозон бошида гирдиқалапак бўлиб турган паллада биз Бухоро Абу Али ибн Сино номидаги Жа-моат саломатлиги техникумига йўл олдик.

— Ота-боболаримиздан мерос неки мил-лий таом бор, улар инсон саломатлиги учун фойдали, шу жумладан, софи ош ҳам, — дей-ди олий тоифали ўқитувчи Набижон Жали-лов. — Чунки гуруч бугда пиширилади. У қовурилмайди. Шу боис ҳам енгил ҳазм бўла-ди. Таркибидо холестерини кам, кексалар, ёш болалар бемалол истеъмо-л қилиши мум-кин. Биз уни беморларга ҳам тавсия этамиз.

— Софи ош киши иммунитетини ошира-диган таом саналади, — дейди шифокор Комил Тоғбоев. — У енгил ҳазм бўлади. Тадқиқотларда софи ош инсон ошқозони ҳазм қилиш фаолиятини яхшилаши аниқлан-ган. У организмни токсинлардан, яъни за-рарли моддалардан тозалайди. Боз устига танани сувсизланишдан сақлайди.

Мутахассислар яна бир жиҳатга эътибор-ни қаратишди. Ўтмишда ота-боболаримиз мис қумғонда чой қайнатиб ичишган. Мис-



дан тайёрланган идишлар алоҳида қадрлан-ган. Бу бежиз эмас. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, мис элементлари қон айланиши-ни яхшилайди. Мия фаолиятига ижобий таъ-сир кўрсатади. Унинг юрак-кон томир фао-лиятига ҳам фойдаси бор.

— Мис бактерияларга қарши табиий воси-та ҳисобланади, — дейди К. Тоғбоев. — Унинг юзасида зарарли микроорганизмлар узоқ яшай олмайди. Шунинг эвазига идиш гигие-наси яхшиланади. Софи ош тайёрланганидан мис қозонларнинг шаклига эътибор берсан-гиз, уларнинг одатдаги қозонлардан фарқ қилишини сезасиз. Фикримизча, бундай қозонлар иссиқликни тенг тақсимлайди. На-тижада ош рисоладагидек пишади.

...Биз яна “Чорбоғ” ош марказига қайта-миз. Кун пешинга оққан палла эмасми, ош-пазларнинг қўли қўлга тегмайди. Ва ҳаял ўтмай охириги мис қозоннинг таги кўри-ниб қолади.

— Ҳозир қунига 70 килограмм гуручдан ош пиширяпмиз, — дейди Нусрат ака. — Салқин тушган кезларда, айнаикса, қишда бундан бир ярим-икки ҳисса кўп софи ош тайёрлаймиз. Ҳа, айтмоқчи, ёндафтарчангиз-га бу таомга сариқ тусли сабзини ишлати-шимизни ҳам ёзиб қўйишни унутманг. Чунки у ошнинг мазасига мазза қўшади.

Иштаҳангиз карнай бўлсин, дўстлар!

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Қадриятлар

БЕТАКРОР МЕЪМОРИЙ
ЕЧИМГА ЭГА МАСКАН

Фурқат туманининг Кўқонбой маҳалласида хунармандчиликка ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият бошлади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ва туман фаоллари, хунармандлар, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Айтиш жоизки, ёғоч ўймакорлиги, ме-белсозлик, зардўзлик ва нақшошлик каби миллий хунармандчилик турларига ихтисос-лаштирилган 240 ўринли замонавий мак-таб-интернатда ўқувчилар учун спорт зали, ошхона, фаоллар зали ҳамда ётоқхона мав-жуд. Қурилиш ва жиҳозлаш ишларига ма-ҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 9,2 млрд. сўм маблағ сарфланди.

— Президентимиз 2022 йили Фарғона вилоятига таширифи чоғида оилавий корхо-намиз фаолияти билан танишиб, ёшларни ёғоч ўймакорлиги, нақшошлик хунарни ўрганишга кенг жалб этиш мақсадида их-тисослаштирилган мактаб ташкил қилиш ташаббусини илгари сурган эди, — дейди Фурқат туманида жойлашган “Уста Юсуф-жон нақош” оилавий корхонаси раҳбари, Ўзбекистон халқ устаси Мухаммадали Юнусов. — Шу боис мактаб қурилишида ўзбек халқ амалий санъатида хос миллий-лик замонавийлик билан уйғунлаштирилди.

Ушбу бетакрор меъморий ечимга эга би-нода юртимиз таълим тизимида давом эта-ётган “Долзарб 90 кун” дастури бўйича



ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ўтказиш ва касб-хунар ўргатиш учун ҳам барча шароит мавжуд.

Тантанали тадбир доирасида ўқувчилар то-монидан тайёрланган ижодий ишлар, тасви-рий санъат кўргазмаси ҳамда халқ амалий санъати дурдоналари намойиш қилинди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ

маълум қиладики,

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 7 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1997 йил 15 октябрда “Ўзбекистон Бадий академиясининг махсус жағмармаси” номи билан (283-сонли), 2011 йил 29 мартда эса “Ўзбекистон Бадий академиясининг Жамоат фонди” номи билан (283п-сонли) рўйхатга олинган Ўзбекистон Бадий академиясининг Жамоат фонди тугатилмоқда.

21-22 июнь кунлари Лондон шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва миллий таомлари» фестивали ўтказилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Х. Норбоев.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.30 Тошпирилди — 01.00 1 2 3 4 5 6